

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари проректори
_____ **доц.Б.Мамажонов**
«_____» _____ **2007 йил**

АРХЕОЛОГИЯ
фанидан маърузалар матни

Тузувчилар:

**доц.Пардаев М.Ҳ.
Убайдуллаев И.Ҳ.**

Жиззах - 2007

АННОТАЦИЯ

Мазкур маърузалар матни ОЎЮларининг бакалавр йўналиши бўйича I босқич талабалари учун мўлжалланган. Маърузалар матнида археология фанининг мақсад ва вазифалари, мазмун моҳияти, шаклланиши, тараққиёт босқичлари, қадимги замонлардан ўрта асрлар давригача бўлган моддий-маданий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тарихи ёритилган.

Тузувчилар: доц. Пардаев М.Х.
Убайдуллаев И.Х.

Такризчилар: т.ф.н.док.Пидаев Ш.Р.
доц.Нурқулова Р.Р.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. 2007 йил 27 августдаги № 1 сонли мажлис баёни.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Тарих факультети Илмий Кенгашида тасдиқланган. 2007 йил 28 августдаги № 1 сонли мажлис баёни.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти Илмий Кенгашида тасдиқланган.
2007 йил “___” _____ № ____ сонли мажлис баёни.

“Археология” фанидан маъруза мавзулари ва ажратилган соатлар

№	“Археология” фанидан маъруза мавзулари	Ажратилган Соат
1	Археология фанининг мақсади ва вазифалари	2
2	Археология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	2
3	Палеолит даври археологияси	4
4	Мезолит даври археологияси	2
5	Неолит даври археологияси	2
6	Энеолит даври археологияси	2
7	Бронза даври археологияси	2
8	Илк темир даври археологияси	4
9	Антик давр археологияси	4
10	Ўрта асрлар даври археологияси	4
11	Ўрта сирдарё ҳавзаси археологияси	4
Жами:		32

1-МАВЗУ: АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Археология фанининг вазифалари.
2. Археологик тадқиқот турлари ва усуллари.
3. Антропоген ҳақида умумий тушунча
4. Одамзоднинг тараққиёт босқичлари.

Таянч тушунчалар:

Археология, манбалар, ёдгорликлар, моддий маданият, даврлаштириш, тош даври, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза, темир, маданий қатлам, шурф, ярус, траншея, тадқиқот турлари, тадқиқот усуллари. Архей, протерозой, палеозой, мезазой, кайназой, учламчи давр, тўртламчи давр, примат, австролопитеклар, антроплар, палеотсен, эотсен, олиготсен, миоцен, иллиотсен, илейстотсен, голотсен, зинжантроп, синантроп, неандертал, Ҳомо ҳабилис, Ҳомо сапиенс.

Назорат учун саволлар:

1. Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим масалаларини ҳал этишда археологиянинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
2. Археологиянинг бугунги кундаги вазифаси ҳақида нима дея оласиз.
3. Археология фанининг маълумотлари жаҳон халқлари ўтмиш тарихини ёритиш учун етарлими?
4. Кишилиқ жамиятининг юзага келиши ҳақидаги археологик маълумотларни якунига етган тадқиқот деб ҳисоблаш мумкинми?
5. Археологиянинг бошқа тарихий фанлардан фарқли томонини кўрсатиб беринг?
6. Археология тарих фанларининг таркибий қисми эканлигини қандай изоҳлайсиз?
7. «Археология» - сўзининг маъноси ва у дастлаб ким томонидан ишлатилган?
8. Археологик қидирув деганда нимани тушунасиз?
9. Маданий қатлам деганда нимани тушунасиз?
10. Чарлз Дарвиннинг «Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш» китобида баён этилган таълимотга қандай баҳо берасиз?
11. К. Линней, Б. Ламарк, Э. Дюбуа, Ч. Дарвин ва Ф. Енглслар таълимотларида одам ҳайвонот олаmidан ажралган мавжудод деган фикр ётади, бу масалага сизнинг муносабатингиз?
12. Инсониятни пайдо бўлиши тўғрисидаги барча назариялар ўз амалий исботини якунига етказганми?
13. Одамзоднинг пайдо бўлиши ва қадимги одамларнинг ҳаётини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрнига баҳо беринг.
14. Африкада Л. Лики тадқиқотлари қандай натижа берди?

15. Ч. Дарвин назариясига кўра одам маймунлар авлодига мансуб деган фикр ётади. Шу фикрга муносабатингиз қандай?
16. Қадимий антроплар фаолиятига кўра «ишбилармон одам» ва «ақлли одам» каби тоифага бўлинган. Уларнинг ҳар бир турига қандай баҳо бера оласиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т., 1998.
2. Авдусин Д.А. Основы археологии. - М., 1989.
3. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. - Т., 1990.
4. Артсиковский А.В. Археология асослари. - Т., 1970.
5. Археологлар ҳикоя қилади. Асқаров А. таҳрири остида. - Т., 1970
6. Ғофуров У. Одамнинг пайдо бўлиши. - Т., 1974.
7. Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. - Л., 1979.
8. Ранов В.А. Древнейшие страницы истории человечества. - М., 1988.
9. Алексеев В.П. Становление человечества. - М., 1984.
10. История первобытного общества. Под ред. В.П. Алексеева. - М., 1979

Археология – ижтимоий фанлар ичида энг ёши ҳисобланади. Бироқ унинг илдизлари жуда узоқ, илк инсониятнинг вужудга келиш даврига бориб тақалади. «Археология» терминининг ўзи иккита юнон сўзидан иборат бўлиб, «архаёс» - қадимги ва «логос» - фан-билим маъносини англатади. Дастлаб бу терминни мил.авв IV-асрда Афлотун ўзининг «Гипсий» диологида, қадим замон ҳақидаги фанни назарда тутиб жуда кенг маънода ишлатган.

Маълумки тарих фани икки хил манбаларга таяниб иш кўради – ёзма ва моддий. Тарихнинг энг қадимги даврга оид ёзма манбаларнинг йўқлиги археологиянинг фан сифатида алоҳида ажралиб чиқишига сабаб бўлган. Моддий маданият манбалари ёзма манбалардан кўп марта қадимийроқ. Кишилар ёзувни 5000-6000 йиллар олдин ўрганган бўлса, тош ва бошқа ашёлардан қурол яшаш бундан олдинги 2,5-3 млн йилларга бориб тақалади. Демак, кишилиқ жамияти тарихининг жуда катта даври археологик манбаларга таянган ҳолда қайта тиклаб талқин қилинади. Археология ўтмишни ёзма манбалар моддий манбалардан кўпроқ маълумот беришга қодир бўлган давргача ўрганади. Археологиянинг ўрганиш объекти хронологияси XV–XVII асрлардан юқорига кўтарилмайди. Аммо баъзан археология ҳатто XX асрга оид янги маълумот бериши мумкин.

Ҳозирги замон археология фанининг вазифаси кишилиқ жамияти ўтмиши ва фаолиятини моддий манбаларга, имконият бўлган ҳолларда эса ёзма манбаларга, тил, этнография, геология, тупроқшунослик, антропология, зоология, ботаника ва бошқа фанлар ютуқларига таянган ҳолда ўрганишдир.

Археология ибтидоий давр одамлари ишлатган тош қуроллар, қазилма ҳайвон суяклари, илк сопол буюмлар, тақинчоқлар, қурол-яроғлар, танга пуллар, қадимий архитектура иншоотлари, ҳайкаллар, ёзувлар,

суратлар ва инсон меҳнати билан яратилган барча ашёларни ўрганади. Археология бу манбалар асосида тарихий жараёни тиклайди. Бу манбаларнинг кўпчилигини ердан қазиб олинишини назарда тутган ҳолда, археологияни белкурак билан қуролланган фан деб аташади. Қадимги буюмларни ўрганиш археологиянинг бирдан – бир мақсади эмас. Топилмалар тарихий тадқиқотлар учун фақат материал сифатида илмий қимматга эга бўлади, холос. Археологлар қазиб олинган буюмларни таърифлаш, уларнинг ёшини, қайси даврга мансублигини ва шу қабиларни аниқлаш билангина чекланиб қолмайдилар. Археологиянинг асосий мақсади аниқланган манбалар воситасида ўтмиш тарихининг барча қирраларини тиклашдан иборат.

Ўтмиш даврни тиклашда археология фани таркибида нумизматика, эпиграфика, сфрагистика фан тармоқлари ривож топди ва этнография, антропология, геология, палеоботаника, палеозоология фанлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Археология жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ўзгаришини ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари асосида эмас, аксинча ишлаб чиқариш усуллари ва қуролларини ўзгариши асосида баҳолашга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда археологик тадқиқотлар ер шарининг барча ҳудудида давом эттирилмоқда. Жумладан Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда археология фани соҳасида кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Археология фани олдида бугунги кунда баъзи муаммолар ҳам кўндаланг турибди. Ривожланиш жадал суръатларда бораётган бугунги кунда кўпгина археологик ёдгорликлар бузилиб кетмоқда. Археологлар олдидаги вазифа инсонлар ёки табиат кучлари фаолияти натижасида йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ёдгорликларни биринчи бўлиб ўрганишдир.

Археология инсониятнинг ўтмиш тарихини ўрганишда археологик экспедициялар натижасида топилган ибтидоий маконлар, қишлоқлар, шаҳарлар, мудофаа ва сув иншоотлари, қоятош расмлари ҳамда бошқа буюмларга суяниб иш кўради. Археологик экспедициялар дейилганда вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва бошқа жойларда моддий маданият ёдгорликларини дала – тадқиқот йўли билан ўрганиш усули тушунилади. Археологик экспедициялар ва отрядларнинг иш услуби уч поғонали бўлиб, археологик қидирув, синов ва қазилар ишларини амалга оширишдан иборат. Унинг вазифаси ёдгорликнинг пайдо бўлиш даври, қанча яшагани ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Қидирув (археологик разведка) ва археологик қазув давридаёқ археологик манбаларни ўрганиш бошланади. Қидирув ва қазув чизмалар чизиш, суратга тушириш ва кундалик юритиш билан қатъий ҳужжатлаштириб борилади. Қидирув жараёнида қуйидаги воситалардан фойдаланилади: пиёда юриш - ер устидаги ашёларни ўрганиш; транспорт ёрдамида - йирик археологик ёдгорликлар харитага туширилади; ҳаводан кузатиш - самолёт ёрдамида аерофотосурат олиш орқали қадимий сув иншоотлари ва мудофа деворлари кузатилади; сув ости археологияси - кўпинча океан ва денгизларда сув остида қолган ёдгорликлар ўрганилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, археологик ёдгорликларнинг бир қисми ер остида ва бошқа хиллари ер устидадир. Бу ёдгорликларни қазиб жараёнида археологлар маданий қатламга дуч келадилар. Маданий қатлам дейилганда инсониятнинг турмуши, ҳўжалиги ва ғоявий фаолиятининг излари сақланиб қолган тупроқ қатлами тушунилади. Чунончи, ғор – макон, очиқ манзилгоҳ, қишлоқ ва шаҳар маданий қолдиқларининг жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жойланиши маданий қатламни ифодалайди. Қазиб жараёнида «шурф», «раскоп», «траншея» каби кесма чуқур хандақлар ковланиб, улар асосида ёдгорликнинг даврини белгиловчи маданий қатламлар аниқланади. Шурф аслида немисча сўз бўлиб, қазимоқ деган маънони англатади. Шурф солиш деганда ёдгорликдаги дастлабки қазиб ишлари тушунилади. Қазиб натижасида маданий қатламлар тўла очилиб, инсон фаолиятининг излари бўлмаган ергача ковлаб тушилади, археологияда у «материк» - безовта қилинмаган ер деб аталади. Маданий қатламнинг қалинлик даражаси бир неча см дан 30-35 м. гача бўлади. Маданий қатламлардан топилган буюмлар ибтидоий ва қадимий тарихни ўрганишда муҳим манбалардир. Археологик манбаларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин: табиий ва инсон томонидан яратилган манбалар. Археологияда қўлланиладиган «ёдгорлик» ва «манба» сўзлари бир маънони англатади. Олинган ашёвий далиллар белгиланган маҳаллий жойда рақамланади ва махсус лабораторияда тадқиқот қилинади. Тадқиқот жараёнида археологик даврлар босқичи аниқланди. Биз кўпинча археологик даврлаштиришда:

- а) Тош даври (палеолит, мезолит, неолит)
- б) Бронза даври (енеолит, бронза)
- в) Темир даврига ажратамиз.

Олинган ашёлар ўрганилиб, унга хронологик жадвали ишлаб чиқилади. Хронология бу турар жойнинг, бирорта қабристон ёки ашёнинг пайдо бўлган даврини аниқланишидир. Бундан ташқари геологик, биологик, химиявий, физикавий услублар ёрдамида ҳам хронологик ташхис қўйилади.

Геологик жиҳатдан олимлар Ер қобиғининг пайдо бўлган даврдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар бўлган тараққиётини 5 эрага - архей, протерозой, палеозой, мезазой ва кайназойга бўладилар. Архей эрасида ер шари ҳали кизиб турган бўлиб, фақат шу эранинг охиридагина дастлабки жуда оддий организмлар пайдо бўлган. Палеозой эраси беш даврга бўлинади: кембрий, силур, девон, тошкўмир, ва перм даврлари. Мезозой эраси уч даврга бўлинади: триас, юра ва бўр даврлари.

Кайназой – янги ҳаёт эраси деб номланади ва икки қисмга ажратилади. Унинг умумий даври 60-70 миллион йилни ташкил этади. Тўртламчи давр кайназой эрасининг иккинчи босқичи бўлиб, 3 – 3,5 млн. йилни ўз ичига олади. Антропоген (грекча «антропос» – инсон, «генезис» – туғилис) ёки тўртламчи давр одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ. «Антропоген» сўзини биринчи бўлиб 1922 йилда А.П.Павлов фанга киритган.

Тўртламчи давр бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Пиреней яриморлидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисми эса тропик минтақалар эди. Антропоген эоплейстотсен, плейстотсен ва голотсен босқичларига бўлинади. Антропогеннинг даврлаштирилишига иқлим ўзгаришлари асос бўлган. Қуйида биз антропоген давр босқичларини тош асри археологиясининг босқичлари билан қиёсий жадвалини келтирамиз:

	Тўртламчи давр босқичлари	Тош асри санаси (минг йил ҳисобида)		Қадимги тош асри даврлари
Плейстотсен (музликлар)	Голотсен	10	10	
	Вюрм	-80	35	Сўнгги палеолит
	Рисс – вюрм	-120	-100	Мусте
	Рисс	-200	-300	Ўрта ва сўнгги ашел
	Миндел-рисс	-350		Қадимги ашел
	Миндел	-500		
Еоплейстотсен	Гюнтс-миндел	-700	-700	
	Гюнтс	-1000		Олдувай
	Дунай	-2000	-2600	
Неоген				

Антропогеннинг бошланиш вақти ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар инсониятнинг ёшени янада узайтирмоқда. Баъзи олимларнинг фикрича антропогеннинг қуйи чегарасини 3-3,5 млн. йил олдинга силжитиш зарур.

Илмий анатомик маълумотларда инсониятни келиб чиқиш асослари илк приматлардан ва уларнинг ҳозирда йўқ бўлиб кетган авлодлари австролопитекларга бориб тақалади деган фикр баён этилади. Австролопитеклар жануб маймуни ҳисобланиб, унинг аجدодлари парапитек, проплиопитек ва дриопитеклар ҳисобланади. Австролопитек мия қутисининг ҳажми 500-600 см³ бўлиб, у икки оёқда тик юрган. Номо – одамнинг юзага келиш жараёни ҳақида жуда кўп илмий талқинлар мавжуд бўлиб, улар кейинги саҳифаларда ёритилади.

Одамнинг юксак даражада ривожланган маймунларга мансублиги тўғрисидаги инглиз табиатшунослари Ч.Дарвин, Т.Гексли ва олимлардан К.Линей, Ж. Ламарк, А. Роверзнов, кейинчалик Я.Я. Рогискийларни ишларида кўрамиз.

Ч.Дарвин назариясида асосан эволюцион тараққиёт ва табиий танлаш маҳсулини ўрни деган фикр ётади. Биринчи инсоннинг ватани қаерда деган савол ханузгача очиқ қолмоқда. Айрим олимларнинг

фикрича бу Африка. 1960 йили Танзаниянинг Олдувай ғорида Луис Лики томонидан одамсифат мавжудот - зинжантропнинг қолдиқлари топилган. Уларнинг ёши 1,75 – 1,85 млн.йил деб белгиланган. Миясининг ҳажми 657 см³. Тош ёрдамида у дарахтдан ўзига қурол ясарди. Уни Ҳомо хабилис (ишбилармон одам) деб аташади. Эфиопияда топилган презинжантропнинг ёши ундан ҳам катта, тахминан 2,8 млн.йил.

Енг қадимий одамлар архантроплар деб аталади (архаёс - қадимги). 1891 йил Ява оролида Евгений Дюбуа томонидан архантропнинг қолдиқлари топилган. Улар ўшанда питекантроп деб аталган (грекча питекос - маймун).

Пекин яқинида, Чжоукоутян деган жойда Хитой архантропининг қолдиқлари топилган ва у синантроп деб аталган (лотинча Сина - Хитой). Уларнинг мия ҳажми 915 – 1225 куб.см. бўлган. Синантроп тошдан қурол ясаган. Хитой синантропи олимларнинг фикрича тахминан 300-500 минг йил аввал яшаган. Синантроп оловдан фойдаланган, лекин уни қандай қилиб олгани номаълум. Олдувай ғорларида эса олов изи топилмаган. Синантроп ов қилишни билган (хайвонлар суякларининг қолдиқларига асосланиб), турли ўсимликларни териб еган. 1927 йилда Пекин шаҳри яқинида канадалик олим Д.Блек топган синантроп ҳам хитой одамлари архантропларга мансуб эканлигини тасдиқлади.

Германиянинг Гейделберг шаҳри яқинида 1907 йили архантропнинг қолдиқлари топилган. Бундан ташқари Венгрияда, Чехославакияда ва Франсияда питекантропга яқин одамсифат маймун қолдиқлари топилган. Архантроплардан кейинги босқич кишилари фанда қадимги одамлар (палеоантроп) номи билан маълум бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар замонамиздан 100-50 минг йил аввал яшаганлар. Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари дастлаб 1948, 1964 йилларда Испаниянинг Гибралтар бўғози раёнидан, сўнгра 1970 йилда Германиянинг Неандертал водийсидан топилган. Жойнинг номидан келиб чиқиб, бу одамни неандертал деб аташ расм бўлган. Меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал одамлари ҳозирги қиёфадаги одамларга (неантроп) айланиб борган. Улар ҳам ақлий, ҳам жисмонан жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди, шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Ҳудди шу даврда йевропоид, негроид ва мўғил ирқлари вужудга келди.

Неандертал типигаги одамларнинг қазилма қолдиқлари Африкадан, Ўрта Ер денгизининг шарқий қирғоқларидан, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудларидан, Қора денгиз бўйларида, Шарқий Европада ва Осиё ерларидан топилган. Кейинги топилмалар инсон ёшини янада ёшартирмоқда. 1994 йил май ойида Англияда тош асрида яшаган қадимий инсон қолдиқлари топилди. У 30 м чуқурликда ётган. Унинг ёши 500 минг йил. Бундан олдин Европада топилган қолдиқларнинг ёши 100 минг йилга ёшроқ.

1994 йил кузда Эфиопиядан топилган инсон қолдиқларининг ёши, 4,5 млн йил. Шундай қилиб замонавий одамнинг аجدодлари Америка ва

Австралиядан ташқари барча минтақаларда яшаган деган хулосага келиш мумкин.

Демак, «Инсон қачон пайдо бўлган?» - деган савол ҳануз очик қолмоқда.

2-МАВЗУ: АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Режа:

1. Археологиянинг ижтимоий ва табиий фанлар билан алоқаси.
2. Археологиянинг нумизматика, хронология, гералдика, эпиграфика, сфрагистика, метрология каби фанлар билан алоқаси.

Таянч тушунлар:

Этнография, антропология, геология, палеонтология, нумизматика, эпиграфика, сфрагистика, лингвистика, металлография, геофизика, спектроскопия.

Назорат учун саволлар:

1. Археология фани ривожда бошқа тарих фанларининг ўрнини аниқлайди.
2. Археологик маълумотларни оидинлаштиришда этнографиянинг ўрни.
3. Хронологик баҳолашда табиий фанлардан фойдаланиш услубияти.
4. Археология фани мустақил иш кўрадимиз?
5. Археология фани билан боғлиқ бошқа фанларни санаб беринг?
6. Археологлар томонидан топилган ашёларни ўрганишда нумизматиканинг ўрнига баҳо беринг.

Адабиётлар:

1. Авдусин Д.А. Основы археологии. - М.,1989.
2. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.,1996.
3. Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси. – Т.,1985.
4. Вспомогательные исторические дисциплины. – М., МГУ, 1990.
5. Хўжаев Т. Қадимги аجدодларимиз қиёфаси.– Т., 1992

Археологик тадқиқотларда кўпгина бошқа фанларнинг маълумотларидан фойдаланилади. Масалан археологик манбаларнинг ёшини аниқлашда табиий фанларнинг ўрни бекиёс. Тош даврига оид ёдгорликларни ёшини аниқлаш учун геологияга мурожаат қилинади. Геология текширишлари билан аниқланадиган иқлим ўзгаришлари археология хронологияси учун жуда муҳимдир. Бунда археологларга геологик қатламлар санаси ёрдам беради. Баъзи ҳолларда даврни аниқлашда палеонтология маълумотлари ёрдамга келади. Агар манзилгоҳда қирғилар кетган ҳайвонлар суяги топилса, унинг тури ва яшаган даврини билган ҳолда ёдгорлик ёшини аниқлаш мумкин бўлади. Баъзан эса палеоботаника маълумотларидан фойдаланилади. Тупроқда сақланиб қолган ўсимлик қолдиқлари ёрдамида даврни аниқлаш имкони бўлади. Чанг анализи усули бу ишда ёрдам беради. Қадимги ўсимликлар

чанги торфда яхши сақланади, уларни тупроқдан ҳам текшириб аниқлаш мумкин. Қадимги қатламлардаги чанглари микроскопда кўриб ўрганиш натижасида ҳар бир қатламдаги ўсимлик турларининг миқдор нисбати, яъни текширилаётган қатламда аксини топган ўша даврнинг ўсимликлар таркиби аниқланади.

Табиий ва аниқ фанлар ёрдамида хронологияни аниқлашнинг археологияда кенг қўлланиладиган бошқа усуллари ҳам мавжуд. Радиокарбон усули ҳайвон ёки ўсимлик организмда тўпланган углероднинг парчаланишига асосланган. Жуда ҳам қадимги ёдгорликлар ёшини аниқлашда калий – аргон усули қўлланилади, бу усул ушбу элементлар изотопларининг парчаланишини аниқлашга асосланган. Археологияда шунингдек, археомагнит, трек усуллари ҳам фойдаланилади.

Топилмаларнинг ёшидан ташқари, уларнинг ишлаб чиқилган жойини аниқлаш ҳам муҳим. Бунда археологияга спектография, металлография каби усуллар қўлланилади. Қадимги металлургияни ўрганишда ҳам металлография ва спектрал анализ усулларидан фойдаланилади. Ёдгорликларнинг ёшини аниқлашда қўлланиладиган табиий-илмий усуллар археологик тадқиқотларни олиб боришда жуда катта аҳамиятга эга.

Археологик қидирувларни олиб бориш жараёнида ҳам турли фанлар ёрдамга келади. Турли ёдгорликларни қидиришда геомагнит разведка усули қўлланилади. Бунда ернинг магнит майдони кучини ўлчаш орқали кулолчилик ўчоқлари, деворлар, темир буюмлар, йўллар ва бошқаларни топиш мумкин. Археологлар ер қатламларининг турлича электрўтказувчанлик хусусиятидан ҳам фойдаланишади. Тош қурилишлар электр тўлқинларини қийинроқ ўтказди. Ўрганилаётган ҳудуддаги қатламларнинг электрўтказувчанлигини ўлчаш натижасида қазилардан олдинроқ қадимги иншоотнинг чизмасини олиш мумкин. Қадимги иншоот чегараларини тупроқнинг химиявий анализи орқали ҳам аниқлаш мумкин. Қадимда чириган органик моддалар ерни фосфат билан бойитган. Тупроқдаги фосфат миқдорига қараб маданий қатлам тарқалган чегараларни аниқлаш имкони бор. Бугунги кунда археологик қидирув жараёнида ҳаттоки космосдан туриб кузатиш усуллари қўлланилмоқда.

Археология антропология ва лингвистика фанлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Археологик топилмалар орасида энг қадимги одамларнинг суяклари учрайди. Бу топилмаларни баҳолаш эса одамлар қиёфаси, келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганувчи антропологиянинг зиммасидадир. Археологлар айниқса этнографик маълумотларга кўп мурожаат қилишади. Қадимги одамлар турмушини яхшироқ ўрганиш учун баъзи бир ҳозирги халқларнинг ҳам ҳаётини тадқиқ этиш лозим бўлади. Ҳанузгача ибтидоий муносабатлар қолдиқлари сақланиб келаётган қабила ва халқларга оид маълумотлар баъзи муаммоларни ойдинлаштиришда ёрдам беради. Ўз навбатида, халқларнинг урф – одатлари, ҳўжалиги ва

маданиятини ўрганишда этнографлар ҳам археология маълумотларидан фойдаланишади. Бу икки фан кўп жиҳатдан бир – бирига боғлиқ.

Археологик тадқиқотларда юқорида айтиб ўтилганидек, турли фанлар билан алоқадорликда иш кўради. Буларга нумизматика, эпиграфика, сфрагистика каби фанлар ҳам мисол бўлади.

Нумизматика тангалар ҳақидаги фан бўлиб, у тангалардаги расмларни, ёзувларни, изоҳларни, уларнинг оғирлиги, ўлчами, сифатини, ким томондан зарб этилганини ўрганади. Инсониятнинг тарихини ва маданиятини ўрганишда тангаларни аҳамияти катта. Хусусан, тангалар тарих, сиёсий, иқтисод, санъатшуносликнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни йегишда муҳим рол ўйнайди. Археологик қазилмалар давомида топилаётган иморатлар, қабрлар, маданий қатламлар ва қолаверса турли археологик топилмаларнинг "ёшини" аниқлашда археологлар кўпинча тангаларга асосланадилар.

Моддий манбаларнинг ўзигина инсоният тарихи ҳақида тўлиқ маълумот беришга камлик қилади. Шу сабабли ёзма манбаларнинг ўрни бу борада бекиёсдир. Тарихий фанлар тизимидаги эпиграфика фани инсоният тарихининг турли даврларида ёзувнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганади. Турли даврга оид ёдгорликлардаги битик ва ёзувларни тадқиқ этиш, бу ёзувларнинг келиб чиқиш тарихини, энг муҳим ёзув турларининг ривожланиши масалаларини ўрганиш эпиграфиканинг вазифаси ҳисобланади. Ўрганилаётган давр бизнинг замонга қанчалик яқинроқ бўлса, ёзма манбаларнинг мазмуни шунчалик бой ва тўлиқ бўлади. Ёзма манбалардан фойдаланишда уларни моддий манбалар билан бирлаштириш зарур.

Маълумки тарихда даврлаштириш ва хронология муҳим ўрин тутди. Инсоният тарихи бир – биридан тубдан фарқ қилувчи даврларга бўлинади. Турли тарихий воқеалар вақтини аниқлаш хронологиянинг вазифасидир. Хронология кўпинча археологик маълумотларга асосланади.

Археология фани сфрагистика фани билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Сфрагистика (юнонча σφραγίς - муҳр) тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган соҳаси. Сфрагистика материаллари амалий санъат, гералдика, ономастика ва шу қаторда археологияни ўрганишда муҳим манбадир. Археологик топилмалар орасида учрайдиган муҳрлар, шунингдек ҳужжатлардаги муҳрлар баъзи археологик ёдгорликларнинг хронологиясини ойдинлаштиришда ёрдам беради.

Археология фани билан ҳамкорлик қиладиган фанлардан яна бири гералдикадир. Гералдика герблар ҳақидаги фан бўлиб, муайян бир даврда, маълум давлатларнинг рамзий белгилари ҳақида маълумот беради. Гералдика фани ўтмишда мавжуд бўлган герб, тамг'а, муҳр ва нишонларни ўрганади. Маълум бир даврда мавжуд бўлган давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳолини очиб бериш, ҳукмдорлар, сулолалар, шахсларни даврлаштиришда гералдика археология билан ҳамкорлик қилади. Археологик қазилмалар Ўзбекистон ҳудудида қадимдан муҳрлар, тангалар ва буюмларга, уруғ ёки ҳунармандчилик уюшмаларининг герб

суратларининг тушириш кенг тарқалганлигини кўрсатади. Улар аждодаларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданияти ва санъатини ўрганишга, давлат ва сулолалар тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи манбадир.

3-МАВЗУ: ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Қадимги тош даврининг умумий тавсифи.
2. Ўрта Осиёда палеолит даври.
3. Палеолит даври аҳолиси турмуш тарзи.
4. Палеолит даври ёдгорликлари.

Таянч тушунча:

Палеолит, Олдувай, ашел, мустье даври, ориняк, солютре, мадлен, чўқмор, ибтидоий пода даври, маданий қатлам, леваллуа технологияси, ёрма техника, эзиб ретушлаш, ибтидоий санъат.

Назорат учун саволлар:

1. Инсоният ўтмишининг энг узоқ давом этган босқичи палеолит деб аталишига асосий сабаб?
2. Палеолитнинг даврларга бўлинишини қандай асослайсиз?
3. Палеолит даврининг Олдувай, Ашел ва Мустье босқичларига таъриф беринг.
4. Сўнгги палеолит маконларидан аёл ҳайкалчаларининг қўплаб топилишини қандай изоҳлаш мумкин?
5. Палеолит даврига оид Ўрта Осиёдаги ёдгорликлар.
6. Ўрта Осиё палеолитининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
7. Палеолит даврини нега уч босқичга бўлишади?
8. Илк тош қуролларнинг турларини таърифланг?
9. Мустье даврига оид тош қуроллар типини қанчага боради.?
10. Юқори палеолит тош қуролларнинг типологиясини ким ишлаб чиққан?
11. Илк ва оўрта палеолит давридаги тўда даври ҳаётини тасвирлаб беринг.

Адабиётлар:

1. Авдусин Д.А. Основы археологии. - М.,1989.
2. Борисковский П.И. Возникновения человеческого общества. — М.1977.
3. Ранов В.А. Древнейшие странности истории человечества. — М.,1988.
4. Артсиковский А.В. Археология асослари. - Т., 1970.
5. Хлопин И.Н. Лекции по антропогенезу и археологии палеолита.- М.,1987.

Кишилиқнинг тарихининг энг қадимги даври палеолит деб аталади. У грекча «палаёс» - қадимги ва «литос» - тош деган маънони англатади. Археологик нуқтаи назардан тош даври уч қисмга бўлиб ўрганилади:

1. Илк тош асри
2. Ўрта тош асри

3. Қуйи тош асри

Илк тош даври тахминан 3 млн. йилдан 100 минг йилликлар оралиғидаги узоқ даврни ўз ичига олади. Илк палеолит олдувай, ашел ва мусте даврларига бўлинади. Африкадаги шу номдаги манзилгоҳ номини олган Олдувай даврига оид энг қадимги манзилгоҳ Номо набилиснинг энг қадимги қолдиқлари топилган Эфиопиядаги Вест-Гонадир (2,8-2,4 млн. йил аввал). Кениядаги Кооби-Фора (2 млн. йил аввал) манзилгоҳида топилган 139 ашёнинг деярли барчаси лавадан тайёрланган. Илк палеолитда архантроплар яшаган, оддий термачилик ва содда овчилик тирикчиликнинг асосий воситаси ҳисобланган.

Олдувай даври учун уч турдаги қуроллар хос: кўпқиррали қуроллар (сфероидлар), ретуш усулида тайёрланган қуроллар ва чопперлар. Бу даврда кўпол қайроқ тошлардан ясалган учирмалардан қурол сифатида фойдаланилган. Олдувай даври учун нуклеуслар характерли. Ашел даври (700 – 150-120 минг йил аввал) ўз номини Франциядаги Сент-Ашел макони номидан олган. Бу даврда қўл чўқмори ва колун (кливер) каби олдувай қуролларидан йирикроқ қуроллар пайдо бўлган. Қўл чўқморлари универсал қурол бўлиб, бодомсимон, тухумсимон ва найзасимон шаклда бўлган ва чакмоқтошдан ясалган. Ўрта ашеллда леваллуа техникаси ривожланган. Испаниядаги Торралба, Англиядаги Клектон, Германиядаги Леринген манзилгоҳларидан ёғоч қуроллар қолдиқлари топилган. Сўнгги ашел даврида табиий вазият кескин ўзгарган, музлик даври бошланган. Худди шу вақтда одамлар ўт чиқаришни билиб олган. Турар жойларга бўлган зарурат туфайли ғорлар эгаллана бошланган. Ашел даври маконларидаги маданий қатламларнинг қалинлиги инсонлар жамоасининг ўтроқ ҳаёт кечирганлигидан далолат беради. Ўтроқликнинг кучайиши аёллар ва эркаклар ўртасида мешнат тақсимотини келтириб чиқарди.

Ўрта палеолит - Европада мустье даври деб ҳам юритилади. Бу давр 100 – 40 минг йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тош қуроллар анча ихчамлашган бўлиб, С.Барод ва Ф. Бордлар схемасида 40 дан ошиқ тош қуроллар тури аниқланган. Тош қуроллар турини кўпайиши шундан далолат берадики, мустье одамлари, яъни неандерталлар ғор ва қоятошлар ҳамда дарё бўйлари, булоқ атрофларида узоқ вақтгача туриш имкониятига эга бўлишган. Бу эса аста – секинлик билан ибтидоий тўда ҳаётидан уруғчиликка ўтишга асос бўла бошлаган.

Мустье даврида найзасимон тош қурол, тош қирғич, ўроқранда пайдо бўлган, улар уч бурчакли тош тош парракчаларидан ясалган. Қумтош ва охактошдан ясалган қуроллар учрайди. Одамларни илк бор дафн этиш мусте даврида бошланган. Мурдаларни сунъий қовланган қабрга кўмиш анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганидан далолат беради. Қримдаги Кийик-Коба, Ўзбекистондаги Тешиктош маконларидаги қабрлар бунга мисол бўла олади. Мустье даврининг энг машҳур ёдгорликларидан бири Германиядаги Неандертал ғоридир. Неандертал одамларнинг суяклари Европа ва Осиёдан ташқари Африка (Родезия ва Танганика)да ҳамда Фаластинда топилган.

Сўнгги палеолитнинг ориняк, солютре ва мадлен деб аталган уч даври (Франсиядан топиб текширилган маконлар номи билан аталган) ҳаммаси бўлиб бундан тахминан 40 минг йилдан 14 минг йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Сўнгги палеолит замонавий антропологик типдаги одамларнинг пайдо бўлгиши ва уруғчилик тузумига қадам қўйиш билан характерланади. Шунингдек, мазкур даврда йевропоид, монголоид ва негроид каби йирик ирқларнинг шаклланиш жараёни ҳам содир бўлиб, одамлар эндиликда ер юзининг анча кенг жойларига тарқала бошлаган. Бу даврда тош қуролларни тайёрлаш техникаси янада такомиллашди. Ёрма техника, эзиб ретушлаш усулидан кенг фойдаланилган. Саниват сулоласида сўнгги палеолит тош қуроллари тури 90 дан ортиқ бўлиб, улар орасида майда қуроллар ҳам мавжуддир. Археологлар таърифича, сўнгги палеолит қуроллари икки турга бўлинган: ов қуроллари ва меҳнат қуроллари. Энг кўп тарқалган қуролларга тош кескич ва тош қирғич мисол бўла олади, суякдан ясалган қуроллар ҳам кўпайди. Сўнгги палеолитда балиқчилик ва тўқимачилик юзага келган.

Сўнгги тош даврида санъат юзага келган. Европадаги Франция, Испания, Италия, Россия каби мамлакатларда, Ўрта Осиёдаги ғор ва қоятошларда турли тасвирлар топилган. Энг қадимги тасвирий санъат намуналари Бошқирдистондаги Каповая ғоридан ва Испаниядаги Алтамир ғоридан топилган. Бу даврда суякдан ишланган аёллар ҳайкаллари кўплаб учрайди, бу уруғчилик яъни «она уруғи» даврини характеридир.

Сўнгги палеолит инсоният тарихининг бошланғич даврини яқунлайди. Инсоннинг зоологик тур сифатидаги тараққиёти ниҳоясига етди, Ҳомо сапиенс пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожлангишнинг узок йўлини босиб ўтди, меҳнат воситалари такомиллашди. Инсон ўтроқликка ўтди. Дин ва санъатда ўз аксини топган ғоявий қарашлар пайдо бўлди. Палеолит давридаёқ инсониятнинг нотекис иқтисодий тараққиёти сезила бошлади. Палеолитнинг сўнгида Европанинг айрим қабилаларининг хўжалик ва маданий тараққиёти анча тезлашди. Ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши арафасида турган Олд Осиё Европадан олдинда эди. Африкада ва Ҳиндистонда эса ҳамон мустье маданияти мавжуд эди.

Ўрта Осиёдаги қадимги тош даври ёдгорликлари ва уларнинг маданий қатламларидан топилган ашёвий далиллар бу ўлкага одамлар жуда эрта келиб ўрнаша бошлаганликларидан далолат беради. Олимларнинг мулоҳазасига кўра, бу ерга одамлар 400-300 минг йиллар муқаддам, ҳатто ундан ҳам олдин келиб ўрнаша бошлаганлар.

Илк тош даврига оид ёдгорликлар Кўлбулоқ, Учтут, Бўриқазиган, Тандирқазиган, Онарча, Такали, Камар, Учбулоқ, Узунбулоқ ва бошқалардир. Кўлбулоқ макони Тошкент вилояти Оҳангарон раёни ҳудудида, Чотқол тоғининг жанубий ёнбағрида жойлашган. У очиқ тарздаги кўп қатламли макон бўлиб, ундан 41 қатлам очилган. Топилган қуроллар ва суяклар қолдиқларига қараб кўлбулоқликлар овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг яна икки

еридан – Жанубий Фарғонадаги Селунғур ва Тошкент вилоятидаги Болттоғор маконларидан ашел даврига мансуб кўпол тош қуроллар ва бошқа ашёвий буюмлар чиққан. Айни пайтда Селунғур маконининг маданий қатламларидан архантропнинг тиши ва суяк парчалари ҳам топилган. Самарқанд вилоятида жойлашган Учтут-Ижонд-Вахш маконлари ҳам илк тош асрига мансуб.

Қозоғистон ҳудудидан ҳам кўплаб илк тош асрига мансуб ёдгорликлар топилган, буларга Такали I, II, III, Тандирқазиган, Бўриқазиган, Камар ва Шабакти жой-маконлари мисол бўлади. Тожикистон ҳудудидagi Қоратоғ жой маконлари, Қирғизистондаги Он Арча ёдгорлиги, Туркменистондаги Янгажа, Қора Тангер ва Томчисув жой-маконлари шам диққатга сазовордир.

Ўрта тош асри – мустъе даври илк тош асрига қараганда яхши ўрганилган. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан мустъе даврига оид 300 га яқин ёдгорликлар топилган бўлиб, Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент, Кўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Учтут, Қоратангир ва бошқалар шулар жумласидандир. Улардан баъзилари хусусида умумий маълумот бериб ўтамиз.

Обираҳмат ғор-макони Тошкент шаҳридан шимоли-шарқда, Ғарбий Тянь-Шан Чотқол тизмасида жойлашган. Ғорда 10 метр қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган. Бу ерда оҳак тошли чакмоқтошдан ясалган 30 мингдан ортиқ турли қуроллар топилган.

Омонқўтон ғор-макони Самарқанд вилоятидаги Зарафшон тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган. Ғордаги чуқурлиги 25 метр чамасидаги маданий қатламдан кварцс, диорит ва бошқа тошлардан ясалган қирғич, куракчалар, ўткир учли пайкон, нуклеус, қўл чопқилари каби қуроллар топилган.

Ўрта Осиёдаги мустъе ёдгорликларининг энг нодир намуналаридан бири Тешиктош ғор-маконидир. У Сурхондарё вилоятидаги Бойсун тоғининг жанубий ёнбағрида, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган. Ғордаги бешта маданий қатламдан 2859 та тошдан ясалган меҳнат қуроллари, синиқ учриндилар ва бошқа ашёлар топилган. Энг муҳим топилма 8-9 ёшли боланинг тўлиқ бўлмаган склети ва бош суягидир. Ёдгорлик 1938 йилдан бошлаб археолог А.Н.Окладников томонидан ўрганила бошланган.

Ўрта Осиёнинг сўнгги тош асри ёдгорликлари мустъе давридагидек кўп эмас. Бу даврда одамлар фақатгина тоғда яшамай, балки водийларга, дарё бўйларига тушиб келганлар. Ўрта Осиёдан Хўжағор, Шугнау, Кўлбулоқ, Янгажа II, Аччисой, Туябўғиз, Бўзсув, Учтут, Сарикўл каби сўнгги тош асри ёдгорликлари топиб ўрганилган. Сўнгги тош асри кишиларининг асосий қуроллари қирғичлар, кескичлар, тешгичлар, найза пайконлари ва бошқалардир. Самарқанд шаҳри марказидаги Комсомол кўли макони номи билан маълум ёдгорликдан кроманён қиёфасидаги одамларнинг суяк қолдиқлари топилган. Сўнгги палеолит даври кишилари

тошдан меҳнат қуроллари ясашда анчагина муваффақиятга эришиб, ўзидан кейинги маданиятларинг ривожига учун шарт шaroит яратди.

4-МАВЗУ: МЕЗОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Мезолит даврининг умумий хусусиятлари.
2. Марказий Осиёда мезолит даври ёдгорликлари.
3. Мезолит даври аҳолиси турмуш тарзи ва ҳиссақисми.

Таянч тушунчалар:

Мезолит, микролит, қадама, макролит, ўроқ - ранда, пайкон – камон ўқи, трапетсиялар, сигментлар, учбурчаклар, қирғичлар, кескич, тешгич, учринди, нуклеуслар, ретуш, ретушсиз, мезолит маконлари, Мачай.

Назорат учун саволлар:

1. Илк тош давридан ўрта тош даврига ўтишга сабаб бўлган ҳолатлар.
2. Мезолит – тош қуролларни майдалашувига қандай изоҳласа бўлади.
3. Тош қуролларнинг майда бўлишига сабаб уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши дейиш тўғрими?
4. Мезолит даври одамларини кўчманчи ёки чорвадор бўлган деб аниқ айта олмадикка қанбай асос бор?
5. Мезолит қуролларининг турлари?
6. Камон – ўқ - ёйнинг пайдо бўлишига сабаб?
7. Мезолит одамлари нима учун кўпроқ очиқ майдонда яшаганлар?
8. Мезолит даврига оид турли маданиятларга мисол келтиринг.

Адабиётлар:

1. Деревянко А.П. Каменный век Северной, Восточной и Центральной Азии. – Н., 1975.
2. Ранов В.А. Древнейшие страницы истории человечества. – М., 1988.
3. Столяр А.Д. Происхождение изобразительного искусства. – М., 1985.
4. Мезолит СССР. Мезолит Средней Азии и Казахстана. Под ред. акад. Б. А. Рыбакова. – М., 1983. Ч. III.
5. Исламов У.И. Обиширская культура. – Т., 1980.
6. Исламов У.И. Пещера Мачай. – Т., 1975.

Қадимги тош асрининг сўнгги босқичига келиб ер юзасидаги улкан музликлар чекиниши натижасида бундан 14-12 минг йиллар олдин иқлимда йирик ўзгаришлар юз берди. Иқлим ўзгариши ер юзасидаги ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсига таъсир этиб қолмасдан, ибтидоий кишилик жамиятида ҳам йирик ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Мезолит сўзи юнонча «мезос» - ўрта , «литос» - тош сўзларидан келиб чиққан. Ўрта тош даври тахминан м.авв. 12 мингдан 7 минг йилгача давом этган. Мезолит даврининг энг катта кашфиёти ва ютуқларидан бири – камоннинг кашф этилиши эди. Камон инсон кашф

этган энг дастлабки мураккаб мослама бўлиб, у инсониятнинг узоқ давом этган меҳнат тажрибаси ва заковатининг натижаси эди.

Бу даврда тош қуролларни қайта ишлаш, уларни такомиллаштириш учун шарт-шароит вужудга келди. Бу ҳол анча майда тош қуроллар, яъни «микролит» ларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Микролитлар ўқ учи ва қадама вазифасини бажарган. Суяк ёки ёғоч қуролга қатор қилиб қадалган чакмоқтош парчалари тизмаси қуролнинг тигини ҳосил қилган. Қадамалар дасталарга битум - қатрон билан ёпиштириб мустаҳкамланган ёки қайиш билан боғланган. Шу билан бирга мезолит даврига оид маконларда чакмоқтош ва суякдан ишланган бошқа хил ўқ учлари ҳам учрайди. Микролит қуроллар жуда майда, баъзилари ҳатто бир сантиметрга йетар-йетмас бўлиб, йирикроқлари камдан – кам учрайди. Микролитлар турли геометрик шаклда бўлган – учбурчак, ромб, трапетсия, сегмент шаклларида.

Мазкур даврда майда қуроллар қаторида йирик ва узун тош қуроллар – макролитлар ҳам кенг қўламда қўлланилган. Болтасимон тош қуроллар шулар жумласидандир.

Хўжаликдаги ўзгаришлар одамлар жамоасининг майдаланишига олиб келди. Мезолит даври маконлари майдонининг кичиклиги ҳам бунга далилдир. Бу даврда одамлар кенгроқ ҳудудларга тарқала бошлади, музликдан бўшаган янги ерлар ўзлаштирила бошланган.

Мезолит даврига оид ёдгорликларга Франциядан топилган Азил ва Тарденуаз маконлари, Даниядан топилган Лингби, Маглемозе маконлари, Қримдан топилган Шайтон-Коба, Фатма-Коба, Мурзак-Коба гор-маконлари, Эстониядаги Кунда макони мисол бўлади.

Мезолит даврининг энг катта ютуқларидан бири турли ҳайвонларнинг қўлга ўргатила бошланиши эди. Олд, Яқин ва Ўрта Осиёдаги археологик тадқиқотлар ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш бу эрда мезолит давридаёқ содир бўлганлигини кўрсатади. Бу жараён баъзи жойларда анча эрта, бошқа жойларда бир оз кеч содир бўлган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи кучларнинг қай даражада ривожланганига боғлиқ эди. Дастлаб одамлар табиатда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотлардан фойдаланиб, термачилик ва овчилик билан шуғулланган бўлса, кейинчалик улар ўз меҳнат фаолияти билан табиатга таъсир этиб, илғор унумдорлик хўжалигига – чорвачилик ва деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Бу ҳол чорвачилик ва деҳқончиликнинг илк куртаклари бўлиб, асл маънодаги деҳқончилик ва чорвачилик кейинчалик қарор топди.

Мезолит даврида балиқчилик катта аҳамият касб этди, буни қўплаб археологик топилмалар ҳам исбот этади. Бу даврда биринчи қайиқ ва эшаклар пайдо бўлди.

Мезолит даври санъати намуналари асосан қоятош суратларидан иборат. Мезолит даврига оид қоятош расмларига Ўзбекистондаги Зараутсой тасвирларини мисол келтириш мумкин. Зараутсой дарасидаги Зарауткамар ғоридаги мезолит суратлари қизил бўёқ билан бажарилган. Унда ов манзаралари тасвирланган.

Ўрта Осиёда мезолит даври нисбий ҳолатда XII – VI минг йилликни ўз ичига олади. Мезолит одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар шимол томонга ҳам, Помир каби баланд тоғли раёнларга тарқала бошлайдилар. Каспий бўйларида Тяншан – Помиргача, Марказий Қозоғистондан Туркман – Хуросан тоғларигача бўлган ерлардан мезолит даври ёдгорликларини энг ажойиб намуналари топиб ўрганилган. Шунингдек бу даврга мансуб бўлган бўёқ билан ишланган тасвир ва манзаралар Ўрта Осиёнинг кўпчилиги тоғли ўлкаларда топилган. Мезолит даври тош қуролидаги ўзгариш, санъатнинг нодир турларининг пайдо бўлиши, ҳўжаликда ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши ва бошқа хоссалари билан олдинги даврлардан кескин ажралиб туради.

Ўрта Осиёнинг кўп ёдгорликларидан мезолит даврига хос трапетсиялар, сигментлар, учбурчаклар, қирғичлар, ўроқ - рандалар, найза ва камон ўқларининг учлари, кескич, тешгич ва ҳар-хил шаклдаги учринди ва нуклеуслар топилиб, улар орасида найза ва камон ўқ учлари – пайконлар анча кенг тарқалган. Айни вақтда мезолит маконларидан тош қуроллар билан бирга суякдан ясалган қуролларнинг топилиши диққатга сазовардир.

Биз қуйида Ўрта Осиё ҳудудидан топиб ўрганилган баъзи ёдгорликларнинг тавсифига тўхталиб ўтамиз.

Мачай ғор макони Ҳисор тизмасининг тармоқларидан бири - Кетмончопти тоғининг жанубий ён бағрида, Юқори ва Ўрта Мачай қишлоқлари ўртасида жойлашган. Ғорнинг кенглиги 20 м. чуқурлиги 11 м, баландлиги эса 3,5 – 5 метрга тенгдир. Мачай кўп маданий қатламли ёдгорлик бўлиб, улардан жами 870 та тошдан ясалган қурол ва буюмлар қовлаб олинган. Улар ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, тош пичоқлар, аррасимон қуроллар, кескич, тош сандонлар, йўнғич-рандалар, найза ва ўқ учлари ва бошқа қуроллардан иборат.

Мачай топилмалари Тожикистонни Вахш хавзасидаги Марказий Фарғона, Тошкент воҳасидаги, Туркменистон, жанубий Қозоғистон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги мезолит даври қуролларига ўхшайди.

Мачайда қазилар даврида антропологик материаллар - одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзолари қолдиқлари топилган. Бу топилма катта амалий ва илмий аҳамиятга эга. Маконнинг маданий қатламларидан шунингдек кўплаб палеонтологик материаллар ҳам топилган.

Фарғона водийси ва унинг жанубидаги тоғлик раёнларидан мезолит даврига оид маконлар кўплаб топилган. Буларга Обишир II ва Обишир V ғор-маконларини киритиш мумкин. Улар Қатрон тоғининг жанубий ёнбағрида жойлашган. Обишир V ғор-маконидан тош қуроллар ва бошқа буюмлар қаторида балиқ тутишда ишлатиладиган грузила - қадок тошлар ҳам топилаган. Обишир маконларидан топилган ашёларга асосланиб, Ҳайдаркон – Сўх воҳасидаги мезолит даврининг ибтидоий қабилалари балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейиш мумкин. Марказий Фарғонадаги Йттак қалъа, Шўркўл, Аччикўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл, Дамкўл, Босқум каби жой-маконлар ҳам

диққатга сазовордир. Бу маконларнинг деярли барчаси қадимги кўл ёқаларидан топилган бўлиб, афтидан бу жойлар қадимда яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган. Маконлардан турли рангдаги чақмоқтош, сланетс ва бошқа тош навларидан ясалган турли қурооллар топилган. Бу маконларда яшаган қабилаларнинг хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик билан бир қаторда балиқчилик ҳам жуда катта рол ўйнаган.

Мезолит даври маконлари Тошкент вилоятидаги Бўзсув анҳорининг соҳилларидан ҳам топилган. Бўзсув мезолит ёдгорликларига Қўшилиш макони мисол бўлади. Қўшилишдан топилган қурооллар геометрик шаклда ишланган. Мазкур ёдгорлик м.авв. XII-X минг йилликларга мансуб. Бу ерда истиқомат қилган аҳоли асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланган.

Шимоли - ғарбий Устюртнинг Айдабол ва Жайрон қудуқлари атрофида ҳам кўплаб мезолит маконлари аниқланган. Мазкур маконлардан тош қурооллар билан биргаликда кўлда ишланган сопол идишларнинг бўлаклари, тақинчоқлар ва безак буюмлари ҳам топилган.

Тожикистон ҳудудидан Ошхона, Чил – чор чашма, Шугнау, Дараи Шўр каби маконлар топиб ўрганилган. Помирдаги Ошхона, Қоратумшук, Аличур, ва Маркансув дарёлари ҳавзасидан кўплаб мезолит даври ёдгорликлари топилган. Тоғли ўлкаларда яшаган қабилалар ва уруғлар яратган маданият Вахш маданияти номини олган.

Тоғли ўлкаларда яшаган аҳоли асосан овчилик, термачилик билан шуғулланган. Дашт ва текисликларда, денгиз, кўл ва дарё соҳилларида яшаган мезолит қабилалари эса асосан овчилик, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланган.

5-МАВЗУ: НЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Неолит даврининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўрта Осиё неолит даврида.
3. Ўзбекистоннинг неолит даври археологияси.

Таянч тушунчалар:

Ишлаб чиқариш хўжалиги, ўзлаштирувчи хўжалик, неолит даври инқилоби, кулолчилик, силлиқлаш, арралаш, бурғулаш, тўқимачилик, Жойтун, Калтаминор, Ҳисор маданиятлари.

Назорат учун саволлар:

1. «Неолит даври инқилоби» тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. Неолит даврида ишлаб чиқаришнинг қайси тури асос ҳисобланади?
3. Неолит неча даврга бўлинади?
4. Олд Осиё неолити ҳақида нималарни биласиз?
5. Неолит даври маданиятларининг географик ҳудудларга боғлиқлигини изоҳланг.
6. Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига баҳо беринг.

Адабиётлар:

1. Бердиев О.К. Изучение памятников эпохи неолита // КД. – Ашхабад, 1968.
2. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар. – Т., 1976.
3. Виноградов Л.В. Неолитические памятники Хорезма. – М., 1968.
4. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Под ред. В.М.Массона, А.Н.Окладникова, И.Н.Хлопина и др. – М. – Л., 1965.

Неолит даври узоқ давом этган тош асрининг сўнгги ва якунловчи босқичидир. Неолит сўзи «неос» - янги ва «литос» - тош деган грек сўзларидан иборат бўлиб, янги тош даври деган тушунчани билдиради. Археология фанига бу тушунчани инглиз олими Леббок олиб кирган. Бу давр турли ҳудудларда турли даврда бошланган ва тугаган.

Неолит даврида иқлим ҳозиргига анча яқин бўлган, у давр кишилари ер юзи бўйлаб анча кенг тарқала бошлаганлар. Улар турли табиий шароитга мослаша бошлаганлар ва алоҳида маданияти яратганлар. Турли географик муҳит ва шарт – шароитдан келиб чиқиқиб, уларнинг меҳнат қуроллари, уй – рўзғор буюмлари, турар жойлари ва хўжаликлари ҳам ҳар хил шаклга эга бўлган. Бу эса хўжаликнинг нотекис ривожланишига сабаб бўлган. Жанубий ўлкаларнинг серҳосил жойларида яшаган кишилар хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик шакллари ривожлантириб борганлар. Шимолдаги

ўлкалар эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли узоқ вақт орқада қолиб келган.

Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, қўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик, айтилишда вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар.

Неолит даврида меҳнат қуроллари-парракчалар, қадамалар, найза ва камон ўқларининг учлари, пичоқ, тешгич, парма, қирғич, ёрма тошлар, ўроқ - ранда ва бошқалар анча такомиллашган. Илк неолитда макролитлар расм бўлган. Одамлар чакмоқтошдан катта ва оғир қуроллар ясай бошлаганлар. Бу даврга келиб мезолитнинг сўнгги босқичида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалган. Неолит даврида қуроллар тайёрлаш чакмоқтошдан ташқари яшма, нефрит каби тошлардан ҳам фойдаланилган. Неолитда тошга ишлов беришнинг эски усуллари сақланиб қолган ҳолда янгича усуллар – силлиқлаш, арралаш ва бурғулашдан кенг фойдаланилган. Силлиқланган қуроллар меҳнат соҳасида унумдорликни анча оширган. Қуроллар махсус тош устида, одатда қумтош тахтасида силлиқланган. Тош тахта устига сепилган қўл қум силлиқловчи модда бўлган. Силлиқланган қуроллар неолит охирига келиб баъзан тешилган. Суяк парма вазифасини бажарган. Пармаланган қуролга ёғоч даста ўрнатиш мумкин бўлган, дастали қурол билан ишлаш анча қулай бўлган.

Неолит даври кишиларининг энг катта ютуқларидан яна бири қулолчилик бўлиб, улар лойдан ҳар–хил идишлар ясашни ва уларни оловда пиширишни ўргандиларки, бу ўша замон учун жуда катта кашфиёт эди. Қулолчиликнинг пайдо бўлиши овқат тайёрлаш ва сақлашда одамларга янги имкон берган. Неолит идишлари дағал ва чала куйдирилган бўлиб, уларнинг таги думалоқ бўлган. Бу идишлар махсус чуқурчаларга ўрнатилган. Сопол идишларга нақш берилган.

Неолит даврида иқтисоднинг янги шакллари энг аввало шарқий мамлакатларда тараққий этган. Сахий жануб табиати ҳам бу мамлакатларда ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтишга имкон яратди. Ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилиши «неолит инқилоби» деб ном олган.

Илк неолит даврида баъзи жойларда ёрғучоқлар учрайди. Донни ёрмалаш учун ишлатиладиган тош асбоб шу ном билан аталади. Каттароқ тош устига сепилган донни кичикроқ тош билан ишқалаб янчганлар. Бу содда асбобдан деҳқонлар бир неча минг йиллар давомида фойдаланиб келганлар.

Неолит даврида одамлар рангли ва оддий металл билан танишганлар. Аммо ушбу давр учун металл тасодифий ҳолдир. Бу даврда ўзаро буюм алмашинуви ривожланди. Тўқимачиликнинг кашф этилиши ҳам неолит даврининг тортиғи бўлган.

Неолит даврида ибтидоий санъат ҳам гуллаб–яшнаган. Неолит даври маконларидан ибтидоий санъатнинг ажойиб намуналари топилган.

Бу даврда идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли – туман нақшлар, одам ва ҳайвон суратларини чизиш кенг тарқалган эди. Шу билан бирга лойдан ясаиб, пиширилган аёл ҳайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналаридир.

Неолит даврида Ўрта Осиёнинг жанубий ерлари, хусусан, Копетдоғ этакларида суғорма деҳқончилик ва илк чорвачилик қарор топиб, даштларда, катта – кичик дарё ва кўлларнинг соҳилида овчилик ва балиқчилик ривож топа бошлайди. Ўрта Осиёнинг баланд тоғлик раёнларида эса бошқача неолит маданияти шаклланади.

Ўрта Осиёда яшаган неолит қабилалари ҳўжалик шаклларига кўра Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларига бўлинади. Бу маданиятлар санасининг юқори чегараси мил.авв. VI мингйиллик, қуйи чегараси эса IV – III мингйилликлар билан белгиланади. Уларнинг ҳар бири алоҳида географик муҳитга эга бўлган ерларда жойлашган.

Калтаминор маданияти номи билан машҳур ёдгорликлар асосан Ўрта Осиёнинг ғарбий ва шимоли – шарқий томонидаги ерларда кенг тарқалган. Калтаминор маданиятига асос солган кишилар табиий шароитдан келиб чиқиб, асосан овчилик, балиқчилик, қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу маданиятга мансуб кишилар ёғоч ва қамишдан тайёрланган чайлаларда яшаганлар, лойдан ҳар – хил идиш ясаб, уларни оловда пиширган, демак кулолчилик ҳунарини билганлар.

Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудларида, асосан Ҳисор – Помир тоғларидан топилган неолит даври маконлари Ҳисор маданияти номи билан аталади. Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар мил.авв. V-II минг йилликларга бориб тақалади. Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман деҳқончилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Жойтун маданияти Ўрта Осиёдаги энг қадимги деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Жойтун маданиятига асос солган қабилаларнинг машғулоти деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик бўлган. Овчилик ҳўжаликнинг асосини ташкил қилмаган.

Амударё этаклари ва Хоразм ҳудудида ҳам неолит маконлари кўплаб топилган. Булар орасида Калтаминордаги Ёнгбошқалъа деган жойдан топилган макон диққатга сазовардир. Жонбосқалъадаги чайла шаклидаги макондан ўчоқ қолдиқлари, неолит даври учун хос қуроқлар, сопол идишларнинг парчалари топилган. Бу маконда яшаган кишилар асосан балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган. Бундай маконлар мажмуаси Калтаминор маданияти деб аталади. Бу маданиятга мансуб ёдгорликларга Моҳонкўл, Катта, Кичик Тузкон, Қоронғи Шўр, Дарёсой каби кўл ва дарё соҳилларидан топилган маконлар мисол бўлади (мил.авв. IV – III мингйилликлар).

Зарафшон этакларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Катта ва Кичик Тузкон, Гужайли ва Моҳандарёнинг қадимий ўзанлари соҳилларидан 45 та неолит даврига оид жой – маконлар топиб ўрганилган. Катта Тузкон кўли соҳилларидан топилган Дарвозақир I ва II

маконлари Бухоро вилоятида жойлашган. Бу ердан силлиқланган тош болта, турли тош қуроллар, тўлқинли чизиклар билан безатилган сопол буюмлари, тақинчоқ ва ҳайвон суяклари қолдиқлари топилган.

Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дравозақир I, II, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғи Шўр, Қизилқир I ва Пойкент маконларидан топилган ашёлар уларнинг Калтаминор маданиятига мансублигини кўрсатади.

Қизилқумдаги Дарёсойнинг қуриб қолган ўзани соҳилларидан ҳам кўплаб неолит даврига оид маконлар топиб ўрганилган. Чинкелди, Эчкиликсой, Хўжа Гумбаз, Қопрақат маконлари шулар жумласидандир.

Шимоли – ғарбий Устюртдаги Жайронқудуқ ва Айдабол кудуғи атрофларидан мезолитга мансуб маконлар билан бирга неолит даври ёдгорликлари ҳам топилган. Мазкур маконлардан топилган ашёлар бу ерда яшаган аҳоли балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланганидан дарак беради. Жанубий – шарқий Устюртдан топилган Касанжол неолит қабристони ҳам диққатга сазовордир. Қорақалпоғистоннинг Шуманай туманида жойлашган бу ёдгорликдан бир неча қабрлар топилган.

Марказий Фарғона чўлларида ҳам 80 дан ортиқ неолит даври маконлари топилган бўлиб, улар фанда Марказий Фарғона маданияти деб ном олган. Бу ёдгорликлар жумласига Замбар 1,3, Янгикадам 12,14,16,19,23,35, Дорожкўл 1,2, Сариксув, Мингбулоқ, Узункўл 1,5, Тойпоқ 2,4,6,7,8,9,10,11,12, Янгисув, Гўртепа, Сигирчилик, Дамкўл, Мадёр, Боскум I–IV каби жой-маконларни киритиш мумкин. Бу маконлардан чакмоқтош, халтседон ва лойли чакмоқтошдан ясалган турли қуроллар, безак буюмлари топилган. Аммо бу ерлардан негадир сопол идишлар парчалари топилмаган.

Туркменистондан топилган неолит маконлари орасида Жойтун макони машҳур. У Ашхобод шаҳридан 25 км. шимолда жойлашган. Бу ибтидоий қишлоқ ҳар бирида 5-6 кишидан иборат оила яшаган 30 га яқин уйдан иборат бўлган. Жойтун харобаларидан буғдой, арпа излари, ёрма тош, тош болталар, парракчалар, ўроқлар, қурол сифатида ишлатилган ўткир учли тошчалар, тешгич пармалар, қирғичлар, пайконлар ва бошқа ашёлар топилган. Бу ердан лойдан ишланиб, пиширилган ҳайкалчалар ва сопол парчалари ҳам топилган. Жойтунликлар мил.авв. VI-V мингйилликларда яшаб, асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Жойтун–Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ва энг нодир ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Туркменистон ҳудудидан топилган Қадими тепа, Найзатепа, Тўғолтепа каби ёдгорликлар ҳам Жойтун маданиятига мансуб илк деҳқончилик маданиятининг дастлабки марказларидандир.

Каспий денгизининг шарқий соҳилларида ҳам тош асри маконлари учрайди. Буларга Чиғаноктепа, Хўжасув, Жанак, Қирқ саккиз, ва Чагил маконларини мисол келтириш мумкин. Топилган меҳнат қуроллари турларига қараганда мазкур маконларда яшаган кишилар балиқчилик, овчилик билан кун кечирган.

Қозоғистонда топилган неолит маконлари ўз хусусиятига кўра 4 хилдир: улар булоқбўйи, дарёбўйи, кўлбўйи ва ғор маконларидир. Бу неолит маконларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг очик ҳолда бўлишидир. Қозоғистондаги неолит маконларининг энг машхурлари Бургутли, Учбулоқ, Қораунгур, Инкардарё, Жалпоқ, Саксовул I, Вагиспе, Космала ва бошқалардир. Бу маконларда яшаган кишилар асосан овчилик, термачилик, балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Тожикистоннинг дарё водийлари, тоғолди ва тоғлик ҳудудларидан 200 дан ортиқ неолит даври маконлари топилган. Булар Тутқовул, Сой Сайёд, Дараи Шўр, Газиёнтепа, Қўхна Бой, Танги Таври, Гуёни поён кабилар бўлиб, улар Тожикистон учун хос бўлган Ҳисор маданияти номи билан аталади. Ҳисор маданиятига мансуб неолит маконларидан тош куруллар, ҳайвон суяклари ва бошқа буюмлар топилган. Бу топилмаларнинг хусусиятларига қараб, бу маконларда яшаган кишилар термачилик, овчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар, деган хулосага келиш мумкин.

6-МАВЗУ: ЭНЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Энеолит даврининг умумий таърифи.
2. Ўрта Осиёда энеолит ёдгорликлари.
3. Ўзбекистоннинг энеолит даври археологияси.

Таянч тушунчалар:

Мис-тош даври, металлургия, илк шаҳар – давлатлар, деҳқончилик, чорвачилик, суғорма деҳқончилик, рангдор сопол буюмлар, қабрлар, муқаддас олов, девор нақшлар, Анов, Номозгоҳ.

Назорат учун саволлар:

1. Неолит, энеолит ва бронза давлари жанубий ўлкаларда хронологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлишига сабаб?
2. Мис даври маданияти нима учун Миср ва Месопотамияда олдинроқ пайдо бўлган?
3. Энеолит даврида рангдор сополларнинг барча ҳудудларда учрамаслигига қандай сабаб мавжуд?
4. Ўрта Осиё ҳудудида топилган энеолит манзилгоҳларига таъриф беринг.
5. Энеолит даврида Ўрта Осиё халқларининг ривожланишидаги маданий нотекислик сабабларини кўрсатинг.
6. Сопол буюмлар археологик тадқиқотларда қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар:

1. Артсиковский А.В. Археология асослари. - Т., 1970.
2. Авдусин Д.А. Основы археологии. - М., 1989.
3. Энеолит СССР. Энеолит Средней Азии. - М., 1982.
4. Хлопин И.Н. Энеолит Юго-Западного Туркменистана. - СПб, 1997.
5. Исаков А.И. Саразм. Душанбе, 1991.

Металлдан фойдаланишнинг биринчи даврини энеолит («енус» – грекча мис, «литос» – латинча тош) деб аташади. Мис даврига ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучлар янада юксалганлигини кўрсатади. Мисдан ишланган қурооллар тош қуроолларга қараганда анча такомиллашган бўлса – да, лекин мис кучли ва оғир қурооллар яшаш учун яроқсиз бўлган. Шу сабабли бу даврда тош қурооллардан кенг фойдаланилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, неолит ва энеолит деярли бир вақтда бўлган. Бу икки давр мил.авв. IV–III минг йилликларга баб – баравар мансуб бўлиб, хронологик жиҳатдан эмас, балки маданий даражалари билан фарқ қилади.

Мис қурооллар дастлаб ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Бу қуроолларнинг энг қадимгилари металл қизитилмасдан совуқ ҳолда уриб ясалган. Ўша давларда одамлар мисни тошнинг бир хили деб билишган. Ниҳоят металлнинг қимматли хусусиятини: кучли оловда суюқликка

айланишини ва ҳар хил шаклга киритилиб, совигандан сўнг шу шални сақлаб қолишини билиб олганлар. Шундай қилиб, металлургия вужудга келган. Энг дастлабки мис буюмлар Анатолиядан Хузистон (Ероннинг жануби - ғарбидаги тарихий вилоят)гача бўлган ҳудуддан, Чатал Гуюк ва Чейюню тепаси манзилгоҳларидан топилган. Бу топилмалар мил.авв. VIII-VII минг йилликларга оид. Европада дастлабки мис буюмлар V ва IV минг йилликлар чегарасида пайдо бўлган.

Икки дарё оралиғи (Месопотамия) ва Олд Осиёда мис – тош даври илк давлат – шаҳарларнинг юзага келиши билан характерланади. Милoddан аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб, Қадимги Шарқнинг юқори маданият ўчоқлари ва илк қулдорлик давлатларида мисдан ишланган қуроллар ва зеб – зийнат буюмлари кенг тарқалди.

Бу давр маконларидан рангдор сопол маконлари деб ном олганлари энеолит учун жуда характерлидир. Улар Хитойдан Дунайгача тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараққиётнинг бир хил босқичи кузатилади. Бешта умумий аломат уларни бирлаштиради: 1) хўжаликнинг бошқа ҳамма турларидан кўра мотига билан қилинадиган деҳқончиликнинг устунлик қилиши; 2) чакмоқтош қуроллари жуда кўпи бўлгани ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши; 3) катта ибтидоий жамоа бирлашмаларининг катта – катта пахса уйлари; 4) уруғга асос солган ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва оналик уруғига хос бўлган ҳайкалчалари; 5) рангдор сопол буюмларининг бўлишидир. Рангдор сопол маконлари дастлаб Икки дарё оралиғи ва Мисрда вужудга келган. Юқорида айтиб ўтилган аломатлар Хитой, Эрон, Ўрта Осиё (Туркменистон Ановида), Украина (Триполе), Руминия, Болгария, Югославия, Гретсия ва ҳ.к.ларда топилган маконларда борлиги аниқланган.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзи энеолит маконларида рангдор сопол мутлақо учрамайди. Чунончи, Германия, Франция ва Европанинг яна бир қанча мамлакатларида бу даврда рангдор сопол буюмлар йўқ, ҳолбуки бу мамлакатларда ҳам энеолит маконлари бўлган. Улардаги маконларда тасма сопол буюмлар, яъни нақш тасма – тасма қилиб ўйилган сопол буюмлар расм бўлган. Закавказенинг ана шундай маконларидаги сопол буюмлар рангли ҳам эмас, тасмали ҳам эмас.

Энеолит даври ёдгорликларига Молдавия ва Ўнг соҳил Украинаси ҳудудларида кенг тарқалган Триполе маданиятига мансуб маконларни мисол келтириш мумкин. Бу маданият Киевдан жануброқда топилган Триполе қишлоғи номи билан аталади. Триполе қишлоғи ўртаси майдон ва майдон атрофида жойлашган бир қанча турар жойлардан иборат. Триполеликлар деҳқончилик билан шуғулланган. Буни топилган ашёлар: ёрғучоқлар, дон, чакмоқтошдан ясалган эгри ўроқлар, мотигалар ҳам исботлайди. Чорвачилик деҳқончилик билан маҳкам боғлиқ бўлган. Триполеда кўплаб топилган аёллар ҳайкалчалари бу жамиятда матриархат хум сурганлигини тасдиқлайди.

Сўнгги энеолит она уруғи – матриархат тузумидан патриархат – ота уруғига ўтувчи давр деб ҳисобланади, лекин ота уруғи ҳукмронлиги фақат бронза даврида ўрнатилган.

Ўрта Осиёдаги энеолит даври ёдгорликларига баҳо беради ва таништиради. Ўрта Осиёдаги энеолит маданиятининг ўзига хослигини таърифлайди.

Энеолит даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилади. Лекин бу ердаги қабилилارнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Археологик текширув ишлари натижалари Ўрта Осиё аҳолиси орасида нотекис ривожланиш бўлганлигидан далолат беради. Унумдор хўжаликларга асосланган қабилалар тезроқ ривожланган, қўшимча хўжаликлар билан машғул бўлганлари эса орқада қолган.

Маданий нотекислик жараёнлари билан боғлиқ равишда Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида неолит билан энеолит бир вақтда бўлган. Туркменистоннинг жанубида мис – тош даврининг бошланиши мил.авв. IV минг йилликка мансуб бўлса, худди шу даврда Ўрта Осиёнинг шимолий дашт ва шарқий тоғлик раёнларидаги қадимий қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланган.

Унумдор хўжаликлар асосида ривожланган Туркменистон аҳолиси Қадимги Шарқдаги юқори маданиятли ҳудудлари билан маҳкам алоқада бўлган. Бу ҳудудда неолит даврида вужудга келган Жойтун маданияти асосида Анов I-II ва Номозгоҳ I-III давларига мансуб энеолит маданияти кенг тарқалади. Жанубий Туркменистон энеолити уч даврга бўлинади: илк энеолит (Анов I, Номозгоҳ I); ривожланган (Анов II, Номозгоҳ II) ва сўнгги мис-тош даври (Номозгоҳ III)га бўлинади. Кенг даражада текширилган ёдгорликлардан Ановтепа, Номозгоҳтепа, Қоратепа, Чакмоқлитепа, Ясситепа ва Геоқсюртепа машҳурдир.

Археологик қазилардан чиққан илк энеолит Анов I ва Номозгоҳ I даврига оид уй-жойлар хом ғиштлардан қурилган. Моддий топилмалар орасида мис қуроллар кам учрайди. Сопол идишлар рангдор бўлиб, нақшлар ичида эгри чизиқлар ва учбурчак геометрик суратлар учрайди. Ясситепада олиб борилган археологик қазилар натижасида ибтидоий ибодатхонанинг қолдиқлари топилган. Қадимги иншоотнинг деворлари геометрик нақшлар билан безатилган. Марказий хонадан топилган катта ўчоқ эҳтимол ўтга сигинишнинг дастлабки кўринишидан дарак беради.

Ривожланган энеолит даврига оид ёдгорликлар Геоқсюр воҳасида кенг равишда ўрганилган. Бу ердан топилган қадимий каналлар қолдиқлари, тош ва мис қуроллар, дон қолдиқлари ва бошқа ашёлар геоқсюрликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Уларда уй чорвачилини ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Анов II маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда, пахса ёки ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Муллалитепада ўтказилган қазилар чоғида қадимги мудофаа деворлари

қолдиқлари топилган. Маконлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг анча ривожланганидан далолат беради.

Сўнгги энеолит даврига оид Номозгоҳ III, Қоратепа каби ёдгорликлардан рангдор сопол буюмлар, аёл ва эркак хайкалчалари, мис пичоқлар, тош қуроллар ва бошқа уй - рўзғор буюмлари топилган. Сўнгги мис – тош даврида кулолчилик юксак даражада ривожланган. Энеолит сопол буюмлари қадимги ҳунармандчилик касбини ўрганишда ғоят қимматли манба ҳисобланади. Бу даврдаги қурилишларда режалаштиришга амал қилинган. Кўчалар, майдонлар ва катта жамоат бинолари тартиб билан қурилган. Геоксюр воҳасида сўнгги энеолит даврига оид қадимги қабристон қазиб очилган.

Жанубий Туркманистон ҳудудида энеолит замонида мансуб 32 та қадимги макон – тепа ўрганилган. Уларнинг асосий қисми Ашхабодга яқин жойда ва Геоксюр воҳасидан (Қуйи Мурғоб ва Тажон дарёлари орасида) топиб текширилган.

Ўзбекистон ҳудудида энеолит даври ёдгорликлари у қадар яхши ўрганилмаган. Мил.авв. IV–III минг йилликлар бошларида Амударё ва Зарфшон қуйи оқимларида Калтаминор маданияти тош қуроллари, сопол идишлари ва уй – жойлари кенг тарқалади. Ўрта Осиёнинг шимоли – шарқ даштларида ва Орол денгизи соҳилларида ибтидоий овчилик, балиқчилик ва илк чорвачилик хўжаликларига асосланган қабилалар яшаган.

Археологлар фикрича, Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ мавзеларида ва Замонбобо 1 қабристонидан топиб текширилган моддий манбалар энеолит даврига оиддир. Қуйи Зарафшоннинг Каптарни қуми ва Каттатузкон мавзелари атрофида тўрт жойдан энеолит даврига оид ёдгорликлар текширилган. Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км. ғарбда топилган Саразм қишлоғи харобаси муҳим археологик ёдгорликдир. Саразм қишлоғи харобаси 90 гектар майдонда жойлашган 10 та тепаликдан иборат.

7-МАВЗУ: БРОНЗА ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Бронза даврининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўрта Осиё бронза даврида
3. Ўзбекистоннинг бронза даври археологияси.

Таянч тушунчалар:

Мис - қалай қотишмаси, меҳнат тақсимоти, патриархал муносабатлар, шаҳар қурилиши усули, шаҳар типигаги маданият, ибодатхоналар, зиккурат, кулолчилик чархи, Замонбобо, Тозабөгёб, Чуст маданияти.

Назорат учун саволлар:

1. Жанубий ўлкалардаги маданият билан шимолий ўлкалардаги маданиятнинг фарқ қилувчи томонларини кўрсатинг.
2. Кўпчилик ашёлар мазорлардан топилган, буни қандай изоҳлаш мумкин?
3. Бронза даврида ҳам ов қуролилари, иш қуролилари тошдан ишланган, бунга нима сабаб бўлган эди.
4. Бронза қуролиларнинг афзаллик томонини айтинг?
5. Ўрта Осиёда икки хўжалик маданиятинининг шаклланиши сабабларини кўрсатинг.
6. Ўрта Осиёдаги бронза ёдгорликларига қандай баҳо берилади?

Адабиётлар:

1. Массон В.М. Первые цивилизации.- Л., 1961.
2. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Средней Азии. - Самарканд, 1993.
3. Аскарлов А.А. Сополлитепа. – Т., 1973.
4. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., 1977.

Бронза даври миллоддан аввалги III минг йилликни ўз ичига олади. Бронза бу мис билан қалай қотишмасидир. У ўз хусусиятлари билан мисдан устун туради. Маълумки мис юмшоқ металл бўлиб, ундан ишланган қуролилар унча чидамли бўлмайди. Бронза мисга қараганда каттиқ ва пишиқроқдир. Ундан ташқари бронзани эритиб қуйиш осон, чунки эриш ҳарорати пастроқ. Мисни эритиш учун эса ҳарорат жуда юқори бўлиши зарур бўлган. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бутун бронза даврида тош металл билан муваффақиятли равишда рақобат қилиб келган.

Бронзанинг илк ватани Кичик Осиё ва Икки дарё оралиғи бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жануби – ғарбида

миллоддан аввалги III–II минг йилликнинг бошларида кулдорлик жамияти кенг равнақ топган.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта муваффақиятларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Бронза даври деярли барча мамлакатларда чорвачиликнинг ривожланиш давридир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида моддий маданият ҳам янги асосда тараққий этди.

Бронза даврига оид ёдгорликлар барча мамлакатларда кенг ўрганилган. Уларга Эреван ҳудудидан топилган Шенгавит макони ва Урарту даврига оид Тейшебаини қалъаси харобалари, Озарбайжондаги Мингечаур макони ва Қизил Ванк қабристони, Грузиядаги Колхида ёдгорликлари ва Триалети мазор кўрғони мисол бўла олади. Шимолий Кавказда кенг тарқалган Майкоп маданияти ҳам бронза даврига оид (III минг йилликнинг иккинчи ярми). Майкопда қазиб очилган мазор кўрғон бронза даврига оид бўлиб, жуда бой топилмалари билан машхур. Бу кўрғон мисолида мулкӣ табақаланишнинг кучайганлигини кўриш мумкин. Сибирда бронза даври Афанасев, Андронova ва Қорасук даврларига бўлинади. Булардан Андронova даври бевосита Ўрта Осиё билан алоқадорки, бу ҳақда биз кейинроқ тўхталиб ўтамыз.

Бу даврдаги мазор кўрғонларда эркалар билан аёлларнинг бирга кўмилганлиги патриархал муносабатларнинг тараққий этганлигидан дарак беради. Бронза даври чорвадор қабилаларининг мазор кўрғонларида бу одатни кўриш мумкин. Энеолит даврига мансуб қадимий чуқур даврида бу ҳолат сира бўлмаган. Катакомба даврида эса эркалар билан аёлларни кўмиш расм бўлган. Катакомба мазор кўрғонлар тагидаги гўрларнинг ён томонга ўйиб қазилган алоҳида лаҳад шаклидаги қабрлардир. Катакомба даври мил.авв. III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг биринчи ярмига киради. Мил.авв. II минг йиллик ўрталарига келиб катакомба даври ўрнига ёғочбанд давр келади. Бу даврда кўп қабрлар ичи гўлалардан чорбурчак уй шаклида қурилиб, ўликлар унинг ичига кўмилган. Шунинг учун бу давр ёғочбанд номи билан аталади.

Бронза даврида Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча тараққий топган ва жанубий раёнларда қадимги шарқ маданиятларига мансуб маданий хўжалик типлари тарқалган. Бронза даврида деҳқончилик ва чорвачилик Ўрта Осиё маданиятининг асосий соҳалари бўлган. Тез тараққий этиб борган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт туфайли Ўрта Осиё чўлларида яшаган қабилалар бошқа аҳолидан ажралиб чиққан ва асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Ўрта Осиё шимолий ва шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган бронза ёдгорликлари маданияти жанубий ўтроқ бронза ёдгорликларидан ажралиб туради.

Туркменистон бронза даври маданияти икки хронологик босқичга бўлинади: 1) илк (Номозгоҳ IV-V) ва ривожланган бронза даври (мил.авв. III минг йилликларнинг ўрталари – II минг йилликларнинг биринчи ярми); 2) сўнгги бронза даври (Номозгоҳ VI, мил.авв. II минг йилликларнинг иккинчи ярми). Туркменистон бронза даври ёдгорликларига Номозгоҳтепа, Ановтепа, Оқтепа, Олтинтепа, Теккемтепа, Гонуртепа, Тоғолтепа, Елкантепа, Янгиқалъа қабристони қабиларни мисол келтириш мумкин. Кулолчилик чархи Ўрта Осиёда биринчи бор Туркменистон жанубида топилган. Олтинтепа ёдгорлигини қазиб чиқиш чоғида пахта ва хом гиштдан ишланган зинапояли минора – ибодатхона очилган. Бундай ибодатхона – зиккуратлар Иккидарё оралиғида Урук даврида пайдо бўлган. Бронза даврида Туркменистон жануби Ўрта Осиёнинг энг муҳим маданий марказларидан бири бўлган. Бу ҳудудда деҳқончилик суғориш – ирригацияга асосланган. Жанубий Туркменистон қабилаларини Қадимги Шарқ қулдорлик давлатлари билан маданий алоқалар ва савдо йўллари бирлаштирган.

Ўзбекистон ҳудудидаги бронза даври қабилалари бир хилда тараққий топган эмас. Бу босқичда Сурхондарё, Зарафшон воҳаси ва Хоразмдан иборат учта ўлкада энг қадимги маконлар топилган. Ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва чорвачилик – деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилаларга мансубдир. Улар бир – бирдан ажралган ҳолда тараққий қилган эмаслар ва қабилалар ўртаисида кенг маданий алоқалар бўлган.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) муҳим ўтроқлик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бронза даври ёдгорликлари қадимги суғорма раёнлар – Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида топиб текширилган. Қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда яшаганлар. Бронза даври аҳолиси сойлар бўйларида тарқалиб суғорма деҳқончиликда уларнинг сувларидан фойдаланганлар. Маҳаллий суғориш тажрибасида сойлардан канал ва ариқ чиқариш катта аҳамиятга эга бўлган.

Сурхондарё иссиқ иқлими ўлка бўлиб, шимол, шимолий - ғарб ва шарқда Хисор, Кухитоғ, Боботоғ жанубда Амударё билан чегараланган. қадимги суғориш ерлари тоғ тизмаларига яқин жойлашган. 1968 йилда Термиздан 70 км шимолий - ғарбдаги Сополлитепа топиб текширилди. Тўрт гектар жойдан иборат тепаликнинг марказий қисмида тўртбурчакли истеҳком қазиб очилди. Унинг ҳамма томони 82 метр. Истеҳком ичида турар жойлар рўзғор ва хўжалик хоналари хунрамандчилик устахоналари иншоатлари топилди.

Сополлитепадаги уй – жой деворлари тагида қадимги қабрлар текширилган. Уларнинг 125 тасига яқка жасад қўйилган, 13 та жасад коллективли гўр вазифасини бажарган. Ўликлар сопол идишлар, қурол – яроқлар ва зеб – зийнат буюмлари билан бирга қўйилган. Эркалар қабрларидан 104 та бронза буюмлар, билакузуклар, жез ойналар ва мунчоқлар топилди. Сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган, асосан

нақшсиз ва тўғри симметрияли буюмлардан иборатдир. Моддий манбалар Сополлитепада металлчилик юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

1973 йилда Шерободдарё воҳасида жойлашган Жарқўтон бронза даври ёдгорлигида археологик текширув ишлари бошланган. Жарқўтон 100 гектар майдонда жойлашган уй-жойлар ва қадимги қабристонлардан иборат. Жарқўтондан бронза идишлар, ханжарлар, пичоқлар, зеб-зийнат буюмлари, сопол идишлар ва чакмоқтошдан ишланган найза пайконлари топилган. Сурхондарёдан топилган Муллалитепа, муллали қабри, Қизилжартепа, Қизилсув ва Бўйрачи 1 тепалари ҳам бронза даврига оид ёдгорликлардир.

Бронза даврига оид моддий маданият ёдгорликлари Хоразмда ҳам топиб текширилган. Бу маданият Тозабөгёб маданияти номи билан машҳур. Бу маданиятга мансуб маконлар Амударёнинг Оқчадарё дельтасида жойлашган. Бу ерда 50 та қадимги макон топиб текширилган. Қават 3, Кўкча 3, Кўкча 15 маконлари шу маданиятга мансуб. Хоразмда текширилган сўнгги бронза даври ёдгорликлари Амиробод маданияти номи билан аталади. Амиробод маданияти мил.авв. IX –VIII асрлар билан саналади.

Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Замонбобо кўли яқинида, Фарғона водийсида ва Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғида ҳам Тозабөгёб маданиятига мансуб маконлар ва қабрлар текширилган. Қуйи Зарафшон бронза ёдгорликлари Замонбобо маданияти номи билан аталади.

Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон даштларига чорвадор қабилалар келиб ўрнашади. Уларнинг моддий маданияти Жанубий Сибир ва Қозоғистон чўлларида яшаган Андронova маданиятига ўхшаб кетади.

Тожикистон ҳудудидан ҳам бронза даврига оид ёдгорликлар кўплаб топилган. Буларга Тулхар, Тандирийўл, Вахш, Ойкўл ва Қизилсув қабристонлари, Тегузак ва Кангуртут маконлари мисол бўлади.

8-МАВЗУ: ИЛК ТЕМИР ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Илк темир даврининг асосий хусусиятлари.
2. Ўрта Осиё илк темир даврида.
3. Ўзбекистоннинг илк темир даври археологияси.

Таянч тушунчалар:

Илк темир даври, иккинчи меҳнат тақсимоти, кўчманчи чорвадорлар, мазор - қўрғонлар, Анов, Ёзтепа, Афросиёб, Қизилча, Даратепа, Кўзалиқир, Дингилжа, Арвалитепа, Қўхнатеп, Учтепа, Кучуктепа, Бандихон II, Қизилтепа, Эркўрғон, Чироқчиртепа, Узунқир, Сангиртепа, саклар, Тагискен мақбараси.

Назорат учун саволлар:

1. Темирнинг кашф этилиши ўз замонасида бутун моддий маданиятни ўзгартирибгина қолмай, ундан кейин юз берган барча ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар учун замин яратди деган фикрни қандай изоҳлайсиз?
2. Ўрта Осиёда темир даври маданиятларининг ўзига хос хусусиятларини шарҳланг.
3. Илк давлатчиликнинг вужудга келиши жараёнида пайдо бўлган мунофақ қалъаларининг турларини кўрсатинг.
4. Ўрта Осиёдаги темир даврига оид ёдгорликларга таъриф беринг.
5. Чуст маданиятига оид ёдгорликларга мисол келтиринг.
6. Скиф мазор - қўрғонлари топилмаларига баҳо беринг.

Адабиётлар:

1. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
2. Средняя Азия в раннем железном веке. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
3. Дальварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Отв. ред. Л.И.Ремпель. – Т., 1978.
4. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., 1978.

Соф темир билан одамлар мил.авв. III–II минг йилликдаёқ танишганлар. Аммо у амалий аҳамиятга эга бўлмаган, темир бу даврда ноёб зеб-зийнат нарсаси эди. Темир ҳақида дастлабки ёзма маълумотлар Миср фиръавнлари Аменхотеп ва Эхнатон даврларига тўғри келади. Мил.авв. XIV- XIII асрларда дастлаб Кичик Осиё, Миср, Икки дарё оралиғи ва Эгей дунёсида ишланган ва бизгача йетиб келган буюмлар ғоят қимматли ноёб заргарлик буюмларидир. Темир ҳамма жойда аввал зеб-

зийнат буюмлари сифатида пайдо бўлган. Ёзма манбалар ва археология маълумотлари энг қадимги темир металлургияси Кичик Осиёдаги Хетт подшолиги ҳудудида мил.авв. XIV-XIII асрларда вужудга келганлигидан далолат беради. Темир буюмлар Эрон ва Ҳиндистонда мил.авв. X-IX асрларда, Италияда мил.авв. XII асрда, Шимолий Европада тахминан мил.авв. X асрда пайдо бўлган. Темирни оммавий кўламда қўлланилишининг дастлабки тажрибалари мил.авв. IX асрда қилинган. Мил.авв. VIII асрда кулдорлик давлатларида темир бронза ўрнини олган. Мил.авв. VII асрда бутун Европада темир яроғлар расм бўлган.

Темир бронзадан кўра каттиқроқ ва ўткирроқ металлдир. Темирнинг ер юзида энг кўп учраганига қарамай кеч кашф этилишига сабаб, унинг юқори даражада эришидир. Темирнинг кашф этилиши қадимги техника соҳасида катта ўзгариш ясади. Темир қуруллар асосий кўпчилик мамлакатларнинг узил-кесил деҳқончиликка ўтишига шароит яратди. Темир болталарнинг пайдо бўлиши, ер ҳайдаш қурулларининг ўзгариши катта аҳамиятга эга бўлди. Кўпчилик муҳим меҳнат қурулларининг тарихи мил.авв. I минг йилликдан бошланади.

Темир давридаги энг муҳим ўзгаришлардан бири иккинчи меҳнат тақсимотининг рўй бериши, яъни ҳунармандчиликнинг дешқончиликдан ажралиб чиқишидир. Барча мамлакатларда ҳунармандчиликда энг олдин темирчилик касби пайдо бўлди, бу касб айирбошлаш ва жамғаришни тезлаштирди. Ишлаб чиқаришнинг ва у билан меҳнат унумдорлигининг бетўхтов ўсиб бориши кишининг иш кучи қимматини ошириб юборди, кулчилик ижтимоий тартибнинг муҳим таркибий қисмига айлана бошлади.

Қадимий шаҳарларнинг кўпчилиги илк темир даврида қурилган, мустақамланган истехкомлар кўпайган. Урушлар доимий ҳодисага айланган.

Илк темир даври хронологик жиҳатдан мил.авв. I минг йилликни ва мил.б. I минг йиллиги бошини ўз ичига олади. Бу даврда баъзи мамлакатларда кулдорлик жамиятлари пайдо бўлган бўлса, баъзи мамлакатларда ибтидоий жамоа тузуми сақланиб қолган.

Кулдорлик жамияти тараққиётини Шарқий Европадаги скифлар ҳаёти мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Скифларда мулкый табақаланишнинг бўлганлигини археологик топилмалар яққол кўрсатади. Оддий қабрлар, катта мазора қўрғонлар ва подшо қабрларидаги топилмалар ўртасида катта фарқ бор. Скиф подшоларининг мазора қўрғонлари тенги йўқ заргарлик санъати асарлари ва ноёб буюмлари билан машҳур. Керчдаги Кулоба, Қуйи Днепр бўйидаги Чертомлик ва Солоха қўрғонлари бунга мисол бўла олади.

Темир даврининг бошланиши билан моддий маданиятда юз берган ўзгаришларга баҳо бериш, темир даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш.

Ўрта Осиёда темирдан ишланган энг қадимги буюмлар 22 та ёдгорликдан топилган ва улар асосан мил.авв. VI-IV асрларга мансуб. Бу ёдгорликларга Туркменистондаги Анов, Ёзтепа, Ўзбекистондаги

Афросиёб, Қизилча, Даратепа, Кўзалиқир, Дингилжа, Далварзин кабилар киради.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликлардан Жанубий Туркменистонда 46 та қадимги қишлоқ харобаси маълум. Қуйи Мурғобдаги Ёзтепа, Арвалитепа, Қўхнатепа, Учтепа, Копетдоғ атрофида жойлашган Ановтепа, Елкантепа, Улуғтепа каби ёдгорликлар шулар жумласидандир. Ёдгорликларнинг энг қадимги маданий қатламлари темир асрига ўтиш даврига хосдир. Бу ёдгорликлардан топилган сопол идишлар кулолчилик чархи ва қўлда ясалган. Уларда бронза ва тош меҳнат куруллари ҳам кўплаб учрайди. Туркменистоннинг жануби - ғарбида жойлашган Дохистон топилмалари шаҳар ва қишлоқ харобаларидан иборат. Дохистоннинг марказий шаҳар харобалари – Мадов ва Изатқули атрофида қадимги каналлар излари яхши ўрганилган.

Сурхондарёдаги Кучуктепа, Бандихон I ва Қизилтепа, Қашқадарёдаги Эркўрғон, Чироқчитепа, Узункир ва Сангиртепа, Хоразмдаги Кўзалиқир ҳам темир даврига оид ёдгорликлардир. Далварзин, Даратепа ва Қуйисой топилмалари мил.авв. VII асрга оид. Қалаимир ва Даратепада мил.авв. VI-I минг йилликларга оид катта патриархал оила яшаган, ғишт ва пахсадан қурилган уй – жойлар қазиб очилган. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган суғориш канали ва ариқнинг қуруқ ўзанлари ҳамда археологик қазилар чоғида топилган кўпдан – кўп хумсимон идишлар, тош қуруллар ва бошқалар қадимги аҳолининг ҳўжалиги ва маданиятини ўрганиш имконини беради. Археологик текширишлар натижасида топилган мил.авв. VI-IV асрларга мансуб моддий манбалар хунармандчилик тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожланди. Чуст, Далварзин, Ашқолтепа, Чимбой, Терговчи ва бошқа ёдгорликлардан топилган тош ва жез ўроқлар, пичоқлар, тош ёрғучоқлар ҳамда арпа, буғдой, тарик донлари ва улар учун қовланган ўралар чустликлар асосан деҳқончилик билан машғул бўлганлигидан дарак беради. Бу маданиятни яратган деҳқонлар турмушида металлчилик, кулолчилик ва тўқувчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Чуст маданиятига гулдор сопол буюмлар хосдир.

Тошкент вилоятида илк темир даври ёдгорликлари Бургулик маданиятига айланган. Қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Турар жойлар ярим ертўлалардан иборат.

Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғлик ҳудудларида яшаган саклар ҳўжалигида чорвачилик катта аҳамиятга эга бўлган. Сакларнинг ёдгорликлари Қуйи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тяншан тоғларида топилган. Улар асосан мазор-қўрғонлардан иборат. Сакларнинг шаҳар харобалари топилмаган. Кўчманчиларнинг уй-жойлари эртўла ва чайласимон уйлардан иборат бўлган. Сакларнинг мазор - қўрғонларида мулкӣ тенгсизлик кўзга ташланади. Фикримизга Қуйи Сирдарёдан топилган мил.авв. IX –VII асрларга мансуб Тагискен мақбаралари мисол бўлади.

Сирдарёдан жанубда массагет қабилалари яшаган бўлиб, улар ҳам кўчманчи-чорвадор бўлишган. Тожикистонда Амударё хазинаси деб ном олган жуда бой хазина топилган. 1877 йилда топилган, мил.авв. IV аср охиридан III аср охиригача тўпланган бу хазинадаги буюмлар массагетлар ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Аҳмонийлар ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида Мароқанда, Бактро, Марв, Тупроққалъа каби катта-катта шаҳарлар, марказлар рағнақ топди. Мароқанда, Эркўрғон, Узункир, Кўзалиқир ва Қизилтепа каби ёдгорликлар мушофаа деворлари билан ўралган бўлган.

Ўрта Осиё мил.авв. VI–IV асрларга оид моддий маданият ёдгорликларига нисбатда бойдир. Ўлкада кенг қўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимий маданият ўчоқлари ҳисобланган Қуйи Мурғоб, Тажан, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида, Хоразм, Фарғона ва Тожикистон водийларида темир даврига оид жуда кўп ёдгорликлар ўрганилган. Хоразмдаги «деворлари орасида одамлар яшаган шаҳар»лар харобаси шулар жумласидандир. Бу ёдгорликлар мил.авв. VI–V асрларга оид бўлиб, у ерда одамлар шаҳарни ўраб олган қалъанинг ғишт деворлари орасида, равоқли тор йўлаксимон биноларда яшаганлар. Қалъа деворлари ҳам ғиштан урилган, бундай ғиштлар Ўрта Осиёда то илк ўрта асрларгача асосий қурилиш материали бўлиб келган.

Археологик текширишлар натижасида топилган моддий манбалар бу даврда ҳунармандчилик юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Осиёда қадимги давлатларнинг вужудга келиш масаласини ёритишда ҳам археологик манбалар муҳим ўрин тутди.

9-МАВЗУ: АНТИК ДАВР АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Антик даврнинг хусусиятлари.
2. Ўрта Осиё тарихида антик давр.
3. Ўзбекистонда антик давр ёдгорликлари.

Таянч тушунчалар:

Антик ёки эллинистик давр, Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа, Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Зартепа, Афросиёб, Қоратепа, кавартма суратлар, будда ибодатхоналари, кўшклар, наус, остадон.

Назорат учун саволлар:

1. Ўрта Осиёдаги антик давр археологияси жаҳон тарихида қандай ўрин тутади?
2. Эфталитлар маданияти Ўрта Осиё археологиясида қай тарзда акс этган?
3. Ўрта Осиё тарихида антик давр қачон бошланган?
4. Антик давр ёдгорликларига тавсиф беринг.
5. Ўрта Осиё ҳудудида топилган диний иншоотларга таъриф беринг.
6. Ўрта асрлар археологиясининг ўзига хос хусусиятларни таърифланг.

Адабиётлар:

1. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
2. 2.Средняя Азия в раннем железном веке. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
3. 3.Дальварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Отв. ред. Л.И.Ремпель. – Т., 1978.
4. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., 1978.

Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини архаик, эллинистик ва кушон – сосоний даврларига бўлиш мумкин. Мил.авв. IV асрда Парфия ва Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёна Македониялик Искандар ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Македониялик Искандар Салавка давлатини, Ўрта Осиё тарихида қадимги дунё – антик ёки эллинистик даврни вужудга келтирди.

Антик даврда Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берган. Ўлка вилоятлари Қадимги Шарқ ва Гретсия, Македония давлатлари билан кенг маданий ва савдо – сотқ алоқаларида бўлган.

Бу даврда Ўрта Осиё хўжалиги тараққий этди, суғориш тармоқлари кенгайтирилди ва мукаммаллаштирилди. Кўплаб бўш ерлар ўзлаштирилди.

Манзилгоҳлар суғориш тармоқлари бўйида жойлашган бўлиб, қалъалар кўринишида эди.

Хоразмда бу даврда ўзига хос маданият вужудга келди. Бунда мил.авв. IV асрда аҳмонийлардан мастақил давлатга айланган Хоразмнинг мил.авв. III–II асрларда Юнон – Бактрия ва Парфия таркибига кирмай, мустақиллигини сақлаб қолганлиги муҳим омил бўлди. Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа ёдгорликлари мазкур маданият намуналаридир. Жонбосқалъа мил.авв. IV–III асрларга оид бўлиб, у икки қатор нишон туйнуқлари бўлган девор билан ўралган. Ягона кўча тўртбурчак шаклдаги шаҳарни икки қисмга ажратиб турган. Оташпарастлик ибодатхоналари шаҳарларнинг энг катта иморатлари бўлган. Қўйқирилганқалъа харобалари остидан айлана шаклда қурилган ибодатхона қолдиқлари топилган бўлиб, олимларнинг фикрига кўра мил.авв. IV–I асрларга оид бу иншоот қадимда расадхона бўлган.

Ерамиз бошларида Кушон подшолиги ташкил топди. Сўғд ва Бактриянинг жанубий вилоятлари бу давлат таркибига кирган бўлиб, подшоликнинг маркази шимолий Ҳиндистонда бўлган.

Кушон шаҳарларининг қиёфасини Термиз (антик Деметрия) мисолида кўриш мумкин. Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Зартепа, Қоратепа каби маданий ёдгорликлар ҳам Кушон даврига оид. Далварзинтепанинг 7 га. майдонда жойлашган арки девор ва ҳандақ билан ўралган. Жанубдан аркка улашиб кетган шаҳардан кулоллар маҳалласи, оддий ва бой шаҳарликларнинг уйлари, шунингдек ҳаммомлар очилган. Бу эрдан топилган зодагонларга тегишли турар жойлар деворлари тасвир ва ҳайкаллар билан безатилган. 1971 йилда Далварзинтепада олтиндан ясалган буюмлар хазинаси топилган. Ҳаммаси бўлиб 115 та олтиндан қуйилган ва ясалган буюмлар ноёб санъат асарларидир. Бу ердан фил суягидан ясалган шахмат доналари ҳам топилган.

Термизга яқин Айритом ёнида Амударё сувидан мил.авв. I асрга оид тош қавартма суратлар топилган. Унда боғ фонида созандалар, эркак ва аёлларнинг суратлари ишланган. Суратлардаги нисбат ва ҳаракат юнон ҳайкаллари эслатади, ишланишида ҳинд элементлари жуда кўп.

Милодий I–II асрларда Хоразм ҳам Кушон подшолиги таркибида бўлган. Бу вақтда Хоразмда қурилган қалъалар топилди, улар подшоликнинг шимолий чегараларини кўриқлаб турган. III аср бошларида Хоразм Кушон зулмидан қутилиб, маҳаллий подшолар ўз пулларини зарб қила бошлаганлар. Тупроққалъанинг гуллаб – яшнаши шу даврга тўғри келади. Шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган, девор бурчакларида баландлиги 25 метрга етган буржлар қурилган. Марказдан ўтган кўча шаҳарни икки қисмга ажратган. Марказий майдонда қаср ва ибодатхоналар жойлашган. Кўп қисми икки қаватли бўлган қаср деворлари турли тасвирлар билан безатилган, унинг марказидаги залда бошига тож кийган подшолар ҳайкаллари бўлган. Тупроққалъадан оромий ёзувида ёзилган бутун бир архив ҳужжатлари топилган.

Бу даврда Ўрта Осиё учун динларнинг турли - туманлиги хосдир. Археологлар Эски Термиз, Айритом ва Далварзинтепада будда ибодатхоналари қолдиқларини ўрганганлар. Далварзинтепада остадонлар сақланадиган махсус иморат – «ноус» ҳам топилган, бу зардуштийлик хосдир. Эски Термиздаги Қоратепа ва Фаёзтепадаги Будда ибодатхоналарида ўша даврдаги деворий тасвирлар ва ҳайкалтарошлик намуналари ўрганилган.

10-МАВЗУ: ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Ўрта асрлар археологияси хусусиятлари.
2. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар археологияси хусусиятлари.
3. Ўзбекистоннинг ўрта асрлар археологияси хусусиятлари.

Таянч тушунчалар:

Илк ўрта асрлар, ўрта асрлар, сомонийлар даври, қорахонийлар даври, “Мусулмон Ренессанси”, салжуқийлар, кулоллик идишлари, нумизматика.

Адабиётлар:

1. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко.—М., 1985.
2. Средняя Азия в раннем железном веке. // Археология СССР с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко.—М., 1985.
3. Дальварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Отв. ред. Л.И.Ремпель. – Т., 1978.
4. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., 1978.

Илк ўрта асрларда (IV–VII асрлар) Ўрта Осиё Сосонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврга оид ёдгорликлар яхши ўрганилган. Самарқандда ВИИ асрга мансуб монументал суратлар билан безатилган сарой топилган. Сўғд ёзувига қараганда бу суратларда элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланган. Афросиёб шаҳар харобаларида топилган бу суратлар ва иншоотлар, турли буюмлар орқали сўғдий халқларнинг ҳаёт ҳақида маълумот олиш мумкин.

Зарафшоннинг юқори оқимида Панжикент шаҳар харобаси ўрганилган. Унинг майдони 19 гектар бўлиб, алоҳида турган аркка уланиб кетган шаҳар мавзелари девор билан ўралган. VII асрга оид сарой ва ибодатхона деворларидаги суратлар катта бадий аҳамиятга эга. Улардаги асосий тасвирлар Ўрта Осиёда машҳур қаҳрамон Сиёвушга бағишланган.

Бухородан 40 км. ғарбда Варахша сарой харобалари жойлашган. Бу ерда VIII–IX асрларга оид бухор-худотлар саройи топилган. Сарой деворлари ганч ўймакорлик нақшлари ва фил минган овчиларнинг ов қилиш манзараси, турли табиат манзаралари тасвирланган суратлар билан безатилган.

Мустаҳкамланган қўрғонлар – «кўшқлар» VI–VII асрларда нафақат Хоразмда, балки Марв ва Самарқанд атрофларида ҳам қурила бошланган.

VIII асрда Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олинди ва Араб халифалиги таркибига кирди. Бу давр археологик топилмаларда ўз аксини топган. Бадий санъатда орнамент безакчилигининг тараққий этиши мусулмончиликда тирик мавжудотларни тасвирлаш таъқиқ этилганлиги

билан боғлиқ эди. Самарқанд ва Бухоро деворларидаги ўйма нақшлар ўзининг гўзаллиги билан ҳайратга солади.

IX аср охири - X асрда Ўрта Осиёда маҳаллий сулола Сомонийлар ҳукмронлик қилган. Сомонийлар даврида ҳунармандчилик маҳаллалари билан ўралган шаҳарлар ўсиб борган. Илк ўрта асрларда шаҳарлар қурилиши антик даврдагидан тамомила фарқ қилади. Бу даврда мунтазам режалаштириш йўқолиб боради, маҳаллалар марказ атрофида бетартиб ўсиб боради. Ўрта аср шаҳарлари уч қисмдан иборат бўлган: арк, шаҳристон ва работ.

Ўрта аср Самарқанди – Афросиёбда юқоридаги учала қисм ҳам мавжуд бўлган. Шаҳарнинг турли томонларида иккита кулоллар мавзеси очилган. Сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган. VIII асрда ясалган буюмлар орасида сирли идишлар учрайди. Сомонийлар давридаги идишлар оқ сир билан қопланиб, жигар ранг нақшлар солинган. Афросиёбда сув келтириш учун мўлжалланган сопол қувурлар топилган. Ўрта аср Самарқандининг кўчалари тош билан қопланганлигини археологик топилмалар исботлайди.

Археологик изланишлар даврида кўплаб нумизматик материаллар ҳам учрайди. Афросиёбда Сомонийлар даврида зарб этилган дирҳамлар – кумуш тангаларнинг қолипи топилган.

Сомонийлар даврида муҳташам бинолар пишган ғиштдан ишлана бошланган. Бухорода IX аср охирларида қурилган Сомонийлар мақбараси майда тўрт бурчакли пишиқ ғишт (мусулмон ғишт)дан ишланган бўлиб, уларнинг маълум тартибда терилганлиги бетакрор манзара касб этади.

XII аср биноларида Ўрта Осиёга хос ўйма геометрик нақш - герих ўз тараққийтининг чўққисига чиқди. Шу билан бир қаторда ислими, ўсимлик ва эпиграфик нақшлари ҳам кенг тарқалган. XII асрда оддий ғиштлардан ташқари, сир берилган ғиштлар, яъни кошинлар ишлатила бошланган.

XIII асрда Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олди ва вайрон қилди. Бу ходиса археологик топилмаларда ҳам ўз аксини топган. Бу даврда суғориш тармоқларининг камайиб кетиши, бу даврдаги биноларнинг сақланиб қолмаганлиги бунга мисолдир.

Ўрта Осиё хўжалиги, маданияти Амир Темур ва унинг ворислари даврида яна юксалди. Бу даврга оид ёдгорликларга Амир Темур мақбараси – Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Улуғбек мадрасаси кабиларни мисол келтириш мумкин. Археологлар томонидан топиб ўрганилган Улуғбек расадхонаси мукамал илмий иншоотдир. Юлдузларни назорат қилиб туриш учун ишланган ғоят катта, ер тагидаги махсус шахтага ўрнатилган секстант бугунги кунгача яхши сақланган.

Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёда ички низоларнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигининг инқироzi археологик тадқиқотлар давомида ўз аксини топди. Ирригатсия, шаҳарлар сони ва ҳажмининг қисқариши Шайбонийлар ва Аштархонийлар давридаги зиддиятлар маҳсули эди.

11-МАВЗУ: ЎРТА СИРДАРЁ ҲАВЗАСИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Тош ва бронза даврида ёдгорликлари.
2. Антик ва ўрта асрларда Уструшона ёдгорликлари.

Таянч тушунчалар:

Уструшона, Буюк ипак йўли, Жарқўтон, Оқтанги, Ховос, Зомин, Дизак, Совот, Сайхонсой, Сардоба, Улкансойлик, Харкана, Куркат, Бунжикат, афшин.

Назорат учун саволлар:

1. Ўрта Сирдарё ҳавзасида илк сивилизатсиянинг юзага келиш шарт - шароитлари.
2. Уструшона давлатчилигининг пайдо бўлиши ва илк ўрта аср маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўрта Сирдарё ҳавзасидаги тош даврига оид ёдгорликларни сананг.
4. Дашт бронза даврига оид мазорларга баҳо беринг.
5. Қанғлар тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?
6. Уструшона давлатининг маркази қаер бўлган?
7. Уструшонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти.
8. Буюк Ипак йўлининг Уструшона тарихини ўрганишдаги аҳамияти.

Адабиётлар:

1. Негматов Н.Н. “Уструшана в древности и раннем средневековье, Сталинабат, 1957
2. Пардаев М.Х., Суюнов С.С., Пардаев А.Х. “Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари” // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 30-нашр, Самарқанд, 1999
3. Пардаев М.Х. “Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратегиясига оид айрим мулоҳазалар” // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 31-нашр, Самарқанд, 2000
4. М.Пардаев, А.Пардаев. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари. ЎММТ. 29 нашри. Самарқанд, 1998.
5. М.Пардаев, А.Пардаев Жиззах воҳасининг VI-VIII асрдаги кулоллик идишлари. ЎММТ. 30-нашри. Самарқанд, 1999.
6. Пардаев М.Х., Қадимги Жиззах воҳасида ўтроқ деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар маданияти. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 33-сон, Самарқанд 2003.
7. Пардаев М.Х., Илк ўрта асрларда чўл маданиятини Жиззах ва Бухоро воҳасига таъсири. "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар"., "Фан", 1998.

8. Пардаев М.Х., Қадимги Жиззах воҳасида ўтроқ дехқонлар ва кўчманчи чорвадорлар маданияти. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 33-сон, Самарқанд 2003.
9. Пардаев М.Х., Илк ўрта асрларда чўл маданиятини Жиззах ва Бухоро воҳасига таъсири. "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Фан", 1998.
10. Ҳайдаров Ҳ., Пардаев М., Сарибоев А., Сувонқулов И. "Ғаллаоролнома", "Қомуслар бош таҳририяти" Т., 1996
11. Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. - Т., 1990.
12. Грицина А.А., Изучение курганов Сырдарьинской области., ИМКУ №28, 1997
13. Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Т., 1992.
14. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячелетия до н.э. – начале XIII в н.э. – Самарканд. 1990.
15. Алимов У.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып.21. – Т., 1987.
16. Буряков Ю.Ф, Грицина А.А. Истории Зааминского района. Древний Заамин. Т., "Фан", 1994.
17. Древний Заамин. Муаллифлар жамоаси. Тошкент, "Фан", 1992.
18. Муҳаммад Солҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1989.
19. Камолиддинов Ш.С. "Китоб ал-Ансаб" Абу Саъда Абдал Карима Муҳаммада ас-Саманий как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Т., 1993.
20. Низомиддин Шомий. Зафарнома. А.Ахмедов, Ҳ. Бобобеков таҳрири остида. Т.
21. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. П.Шамсиев таҳрири остида. Т., 1989.
22. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом (Шарфномаи-Шоҳий).
23. 2-қисм., А.Муҳаммаджанов таҳрири остида, Тошкент, 2000.
24. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. Тошкент, 1991.
25. Бартольд В.В. Согд-сочинение Т-III. Москва, 1975.
26. Гайдукевич В.Ф., Могильник близ Ширинсая в Узбекистане, "Советская археология". Москва, 1952.

Ўрта Сирдарё ҳавзаси Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган маконлардан биридир. Бир томондан Сўғд ва Бактрия, иккинчи томондан Чоч ва Фарғона оралиғида жойлашганлиги туфайли бу ҳудуд бутун шимолий Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданиятида муҳим рол ўйнаган. Ушбу ҳудудда топилган энг қадимги манзилгоҳлар мусте даврига (140-40 млн. йил аввал) оид бўлиб, Жиззах, Шахристон, Ўратепа, Ховатог атрофларида аниқланган. Улардан бири Шахристонсой ва Шўрбулоксой ҳавзасида жойлашган кўпқатламли мусте манзилгоҳи Жарқўтон бўлиб, қадимги одамлар томонидан узоқ муддат фойдаланилган. Оқтангининг қуйи қатламларидан топилган кўплаб тош қуроллар мил.авв. III-II асрларда Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган

куйипалеолит маданиятига мансуб. Бронза даврига келиб Уструшона ҳудудларида кўплаб қабилалар истиқомат қилган. Жиззах раёнида дашт қабилаларининг манзилгоҳи аниқланган. Худди шу эрдаги Сайхонсойнинг қояларидан бирида қоятош суратлари (петроглиф) ларнинг бутун бир галереяси мавжуд. Зоминдан узоқ бўлмаган тоғларда бронза болта (келт) топилган бўлиб, у Уструшонанинг тоғли ҳудудлари ривожланган бронза даврида ўзлаштирила бошланганидан дарак беради. Шахристонсойдаги Оқтанги манзилгоҳи ўзига хос ёдгорлик бўлиб, бу ерда мил.авв. II–I асрларга оид бир қанча қатламлар аниқланган. Ушбу ёдгорликдан нафақат дашт қиёфасига, балки ўтроқ - деҳқончилик маданиятига мансуб идишлар топилган. Яна бир бронза даври манзилгоҳи Шахристонсой ўзанидан топилган бўлиб, бу эрдаги одамлар ертўла ва ярим ертўлаларда истиқомат қилган (мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмигача)

Илк темир даврига оид ёдгорликларга Ўратепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепа қишлоқ харобасини мисол келтириш мумкин. Бу макон Бургулик маданиятига хосдир. Қадимги қишлоқ харобасининг майдони 18 гектар келади, уй – жойлар ертўлалардан иборат. Мил.авв. V–IV асрларда Сўғд ҳунармандчилиги таъсири остида Нуртепада кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар ҳам тарқалган. Илк темир давридан бошлаб Уструшона ҳудуди ёзма манбаларда тилга олина бошланади.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг ижтимоий–иқтисодий ривожига суңий суғориш тармоқларига асосланган ҳайдалма ер деҳқончилиги катта таъсир кўрсатган. Шарқ халқлари тараққиётини умумий қонуниятлари, тарихий хусусиятларини таҳлил қилган барча мутахассислар, ушбу ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида ирригация хўжалиги ва техникасига асосланган суғориш тизимларини қайд қилишган.

Дарҳақиқат археология маълумотларига кўра Ўрта Осиё минтақасида Бактрия, Суғдиёна, Хоразм, Парфия, Фарғона, Чоч ва Уструшона каби тарихий – маданий ўлкаларнинг вужудга келиш жараёни минтақанинг асосий сув манбалари Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Сангзор каби дарёлар, кўплаб тоғ дарёчаси, сой сувларига асосланган.

Турон заминнинг марказий қисмида жойлашган ўрта асрларда Уструшона номи билан тарихга кирган ушбу мамлакатда қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши, суғориш тармоқлари, сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Уструшона атамаси дастлаб хитой манбаларида: Судуйшана, Шуайдушана, Судушина, Цзебуцзюйна, Шарқий Цао, Судулишина, Цао; араб, форс манбаларида: Сурушона, Сутрушона, Осрушона, Сурушна, Ошрусена, Усрушна, Уструшане, Ушрусона, Истарафшан тарзида учрайди. Тарих фанида мазкур атамаларнинг энг мақбули сифатида Уструшона номи қабул қилинган. (Н.Н.Негматов, 1957, 15 с) Қадимги деҳқончилик маданиятининг марказларидан ҳисобланган Уструшонада деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ирригация техникасининг тараққиёти суңий суғоришга асосланган.

Сунъий суғориш тизимларига асосланган суғорма деҳқончилик маълум даврда қилинган энг муҳим кашфиётлардан биридир. Чунки суғорма деҳқончилик жамият тараққиётини тезлатди, дастлабки меҳнат тақсимотини вужудга келтирди илк сиёсий тизимлар давлатларни ташкил топишига асос бўлди.

Шу нуқтаи назардан кўхна Шарқ хаёти тараққиётида сунъий суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик ҳўжалигининг ўрни бекиёс аҳамиятга эга бўлиб, ўз ичига бир неча минг йилликларни ўз ичига олган улкан тарихий жараёндир.

Демак, сунъий суғориш тизимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалаларини инсоният умум тарихи билан чамбарчас боғланган холда ўрганишни тақозо қиладиган илмий муаммодир. Айни вақтда Ўрта Осиё сунъий суғориш ҳўжалиги тарихини худди шу нуқтаи назардан ўрганиш қонуният тусини олган. (Пардаев, Суюнов, Пардаев, 1999)

Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ, тарихий–маданий ўлкаларидан бири Уструшона ҳам суғорма деҳқончилик маданияти тарихи кам ўрганилган худудлардан бири ҳисобланади.

Ўз ФА Я. Гуломов номли археология институти Жиззах отрядининг 1980–1990 йилларда воҳада ўтказган қидирув, қазув тадқиқотларининг бир йўналиши, қадимги сунъий суғориш тизимларини ўрганишга бағишланди.

Туркистон тоғининг Чумқартов тизмаларидан бош олиб Ҳайдаркўлгача (150 км) оқувчи Сангзор, ўрта аср Уструшонаниннг уч рустоқи – Бурнамад, Харакана, Фағнонни кесиб ўтган ва қадимдан бу маданий воҳаларнинг асосий сув манбаи ҳисобланган.

Зоминсув Уструшонаниннг бош шаҳри Бунжикатдан кейинги мавқега эга бўлган. Зомин Сарсанданиннг ичимлик суви эҳтиёжи ва суғорма деҳқончилигига сарфланган. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, дарё суви Мирзачўл сарҳадларида жойлашган Қоратепа шаҳар ёдгорлигигача (60 км) етиб борган.

Кейинги ўн йиллар мобайнида олиб борилган археологик қидирув қазув-тадқиқот ишлари Сангзор дарёси ҳавзасида ўтроқ хаёт ва деҳқончилик асосан илк антик даврдан бошланиб, илк ўрта асрларда оммавий тус олганлигини кўрсатади. Сангзор дарёси билан боғлиқ суғорма деҳқончилик мавзейларида илк қалъа–рабодлар қурилиши, турар жой бинолари (шаҳарлар ташқарида) қад кўтарган. Пардакултепа, Комилбоботепа (Жиззах), Қинғиртепа, Алмантепа I, Алмантепа II (Ғаллаорол) ёдгорликлари шулар жумласидандир. (Пардаев, 1992)

Айниқса, илк ўрта асрларда Сангзор дарёси суви орқали воҳада суғориш ишларига катта эътибор берилган. Шу боис воҳада Сангзор дарёсининг адоқларида бир қатор йирик суғориш тармоқлари қазилиб суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайтирилган.

Сув тегирмони, чиғир ва чархпалак каби ўша давр сув иншоотлари кашф этилиб, оқар сув сатҳидан бир мунча баландликда жойлашган майдонларга сув чиқарилиб обод этилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Сангзор дарёсининг ўрта оқимида араблар истилоси арафасида бунёд этилган Алмантепа I-II қалъа рабодлари атрофида ҳам суғориш шаҳобчалари бор эканлиги кузатилди. Бу суғориш шаҳобчаларининг бош ўзани Сангзор суғориш тармоғининг қуйи қисми Жиззах воҳасида эса иккита; шарқий Қалиятепа, шимолий Ўрда кўҳна шаҳарлари билан боғлиқ қадимги суғориш шаҳобчаларининг ўрни аниқланди. Бу тармоқлар ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатаётган Жиззахнинг қадимги “ўн икки ариғи билан боғлиқдир”.

Таъкидлаш керакки, ёмғир суви кўп бўлган пайтларда сел сувининг бир қисми Сангзорнинг узвий давомчиси бўлган Қилисой сув манбаига келиб қўшилган. Қадимда ҳам Сангзор дарёсининг истеъмолга яроқли бўлган суви Қили ўзани орқали оқиб турган. Бу эса Қили дарёчаси хавзасида ҳам қадимдан турар жой масканларининг пайдо бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Қили суғориш хавзасидаги ёдгорликларни Ўрда шаҳар ёдгорликларининг узвий давомчиси дейиш ҳам мумкин.

Қили суғориш шаҳобчасида бир гуруҳ аҳоли маконлари, хусусан, Дунётепа ёдгорлиги эрамининг I асрларида бунёд қилинган.

Уструшонада кейинги олиб борилган тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики энг қадимги суғорма деҳқончилик воҳаси Хўжамушкентсой хавзасидаги Хонтепа, Сағанактепа қишлоқ маконлари билан боғлиқ маданий мавзейлардир. Бу икки ёдгорлик сойнинг ўнг қирғоғида, унинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб милодий эр-авв. V-IV асрлар билан даврланади. (Грицина 1990)

Уструшонанинг асосий сув манбаи ҳисобланган Зоминсой Туркистон тоғ тизмасидан бош олган Еттикечувсой, Ўрикисой, Галдируотсойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Зоминсой Қадимда Уструшонанинг Сангзордан кейинги асосий сув манбаи ҳисобланган.

Зоминсой сув манбаининг узунлиги 41 км.га яқин бўлиб, сув йиғиш майдони 694 кубаметрга тенг. Ўрта аср ёзма манбаларида ёзилишича Зомин халқи X асрда кўҳна шаҳарни ташлаб, Зоминсой қирғоғининг ҳар икки томонига қурилган янги шаҳарга кўчиб ўтишган. Соё устига қурилган ёғоч кўприклар ҳар иккала томонни бир-бири билан боғлаб турган дейилган. (Бетгер, 1957)

Зоминсой сув манбаи ҳозирги Зомин тумани марказидан ўтиб бир неча йирик суғориш тармоқларига бўлиниб кетади. Зоминсой сув манбаининг тоғ этакларидаги текисликлар, шунингдек воҳанинг шимолий қисми хўжалик юритишнинг деҳқончилик типи характерли бўлиб, бу ерларда ирригация ғоят муҳим касб этган. Қадимдан тоғ этакларидаги текисликларда, катта майдонларда, асосан лалмикор деҳқончилик қилинган.

Зоминсойнинг сув режими теварак-атрофнинг географик шароитига боғлиқ бўлиб табиат ўзгариши яъни ёғингарчиликнинг кўп бўлиши билан суғориш тармоқларида сув манбаининг кўп бўлганлиги кузатилган. Ёғингарчилик кўп бўлмаган пайтларда эса сув сатҳининг пасайиши кузатилиб суғориладиган экин майдонлари ҳам кам бўлган.

Зоминсойда сув сатҳи баланд бўлган вақтларда унинг қуйи ўзанлари, ҳозирда сақланиб қолган Қоратепа ёдгорликларигача етиб борганлиги кейинги изланишлар давомида ўз ечимини топди. Чунки ҳозирда ҳам Қоратепа ёдгорлигига яқин жойда Зоминсойнинг эски ўзани сақланиб қолган Бу ўзан илк суғорма деҳқончилик тармоғининг асосларидан бири бўлган бўлса ажаб эмас.

Илк ўрта асрларда воҳада оммавий ўтроқлашувнинг амалга оширилганлиги табиий равишда суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтишига, бу эса ўз навбатида ирригация тармоқларининг ривожланишига, янги-янги суғориш шаҳобчаларининг бунёд этилишига сабаб бўлган.

Археолог А.И. Билоловнинг эътироф этишича –“илк ўрта асрларда бунёд этилган ирригация тизимлари ва сув иншоотлари деярли катта ўзгаришларсиз бир неча юз йилликлар давомида хизмат қилган, айримларидан ҳозиргача фойдаланилмоқда. Бу даврда бутун Уструшона бўйича умумий узунлиги 3 минг км. бўлган суғориш тармоқлари фаолият кўрсатган ва шу асосида 200 минг га. ерни суғориш имкониятига эришилган”.(Билолов, 1980)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Уструшонада деҳқончилик ва боғдорчилик учун обикор тоғ олди ва дашт яйловларнинг қулай иқлим шароити туфайли Сангзор дарёси Зоминсой ҳамда кичик тоғ сойлари атрофида аҳолининг ўтроқ ҳаёт ва у билан боғлиқ илк суғорма деҳқончилик маконлари анча қадимдан пайдо бўлган. Бунга Қўрғон, Бўзтепа, Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа, Қалиятепа, Ўрда, Октепа, Эскиқўрғонтепа ёдгорликларини айтиш мумкин.

Демак, Уструшонада қадим ва ўрта асрларда илк суғорма деҳқончилик хўжалиги ҳар бир кичик воҳа ва унга туташ маданий мавзеларда вужудга келгпн. Ўлканинг сув манбалари (дарё, сой, булок) зироатчилик ҳудудларининг геоморфологик тузилиши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суғорма деҳқончилик мустақил равишда тараққий этган.

Уструшонанинг шаҳар ҳаёти ва шаҳарсозлик маданияти билан бир қатор мутахассислар шуғулланган ва айни пайтда ҳам уларнинг аксарияти мазкур илмий муаммо бўйича тадқиқотлар ўтказмоқда. Хусусан, Уструшонанинг қадим ва ўрта асрлардаги шаҳар маданияти, урбанизация масалалари бўйича Негматов Н.Н, Кошеленко Г.А, Беляева Т.В, Хмельницкий С.Г, Грицина А.А, Туйчиева Б.Б....., уструшона шаҳарсозлигининг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги ўзига хос хусусиятлари борасида Пўлатов Ў.П, Бердимуродов А.Э, Суюнов С.С, Сверчков Л.М...., ўлканинг сўнгги ўрта асрлар ва хонликлар замонидаги

шаҳарлари тарихи , аҳолининг ҳўжалиги ва турмуш тарзи муаммолари устида Мухторов А.М, Пардаев А.Ҳ сингари мутахассислар тадқиқотлар ўтказишган. Ушбу тадқиқотларнинг илмий натижалари умумлаштирилса, Уструшона мамлакатида шаҳар қурилиши ва маданияти қадим замонлардан сўнгги даврларгача узлуксиз равишда давом этиб келганлигини, унинг тараққиёт даврларини, инқирозга юз тутган босқичларини кузатиш имконияти туғилади.

Уструшонада шаҳар қурилишининг дастлабки тош-тамоили илк темир даврида қўйилган. Милодий эрадан аввалги VII-VI асрларда илк шаҳармонанд манзилоҳ Нуртепага (18та) асос солинган. Фанда “Нуртепа маданияти” номи билан қайд этилган тарихий жараёнлар ва ушбу маданиятнинг таъсири остида Кирополь деб эътироф этилган, мил.ав.VI аср бошларида асос солинган.Муғтепа (6та), Александр Македонскийга қарши қўзғалон кўтарган шаҳарлар сифатида қайд этилган Куркотдаги Ширин, Саватдаги Хонтепа, Соғаноктепа I, II бунёд этилган.

Илк антик даврда Уструшонада аҳолининг шаҳарлашуви, демографик ўсиш жараёнлари натижасида, янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши мамлакатнинг шимолий, шимолий-ғарбий қисмида – Зоминсув ва Сангзор дарёлари ҳавзасида изчил сурагта амалга ошган. Милодий эрадан аввалги IV-III; II-I асрларда Эски Ховос, Ўрдатепа, Қалиятепа, Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа шаҳар ёдгорликлари вужудга келган. Бу даврда шаҳар маданияти ва ишлаб чиқаришга Суғднинг таъсири, айниқса Уструшонанинг шимолий ва шимолий-ғарбий сарҳадларида сезиларли даражада бўлган. Чунки “Суғд колониялари” нинг шарқий ҳудудларга ёйилиши айнан ушбу давлрлардан бошланган. Жиззах воҳсидаги Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа, Қалиятепа шаҳар ёдгорликларидан Афросиёб II, Афросиёб III типигаги кулоллик идишлари, қизғиш антоб билан бўялган ва устки қисми пардоз бериб силлиқланган қадахлар, паймоналарнинг оммавий тарзда топилиши фикримизни исботлайди.

Илк ўрта асрларда бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Уструшонада ҳам шаҳар маданияти ўзига хос қонуниятлар асосида, хусусан, ўша давр сиёсий ҳаёти, демографик жараёнлари тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланишда бўлган. Бу даврда аввалги мавжуд шаҳарлар ва унинг атрофи оммавий тарзда ўртоқлашган кўчманчи аҳоли ҳисобига янада гавжумлашган. Йирик оқар сув ҳавзаларида янги маданий воҳалар-шаҳар ва уни ўраб турувчи ўндан ортиқ қалъаработлар вужудга келган. Шахристонсой ҳавзасидаги Қалъайи- Қаҳқаҳа, Хўжамушкентсой қирғоғидаги Култепа, Шўрбулоқсой этагидаги Эски Хавас, Зоминсув бўйидаги Ўртатепа (Оқтепа), Сангзорнинг ўрта оқимидаги Қўрғонтепа, Қуёш оқимидаги Қалиятепа, этак қисмидаги Дунётепа мазкур мўъжаз воҳалар учун сиёсий, иқтисодий, маъмурий ва маданий марказ бўлиб фаолият кўрсатган. Кейинчалик, Уструшона мустақил давлат сифатида тарих саҳасидан ўрин олиб, аниқ ҳудудий чегаралиниш юз бергандан сўнг ушбу маданий воҳалар муайян рустоқлар ва уларнинг бош шаҳрига асос бўлган. Ҳар бир бош шаҳар бир-биридан 600-800 м масофа узоқликда

жойлашган бир гуруҳ қалъа работлар ҳалқаси билан ўраб олинган. Мамлакатнинг маъмурий маркази Бунжикат пойтахт мақомини олган.

Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги кулолчилик ҳунармандчилиги тарихини чуқур ўрганиш бугунги кун устуршонашунослари олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки, Уструшона ҳунармандчилиги тарихида муҳим ўрин тутган тармоқлардан бири кулолчиликдир.

Маълумки, ўтказиладиган археологик қазув тадқиқотлари натижасида, энг кўп, оммавий равишда қайд этиладиган топилмалар сирасига кулоллик идишлари намуналари киради. Сопол идишлар аксарият ҳолларда археологик комплексларнинг қадимги иншоот ва обидаларнинг даврий санасини аниқловчи асосий ашёвий манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиёнинг бир қатор тарихий-маданий ўлкаларининг, хусусан, Хоразм, Фарғона, Сўғд, Бактрия-Тахористоннинг қадим ва ўрта асрларга тааллуқли кулоллик ҳунармандчилиги ва сопол идишлари намуналари тарихи илмий тадқиқ қилинган. Хусусан, Левина.Л.М, Вактурская Н.Ф, Пещерева О.М, Якубов Ю.Я, Шишкина Г.В, Столярова Н.П, Аннаев Т.Ж, Мирзаалиев Г каби мутахассислар Ўрта Осиёнинг кулолчилик тарихи ва сопол идишлари хусусиятлари мавзусида тадқиқотлар олиб боришган ва уларнинг бу борадаги қатор илмий асарлари нашр этилган.

Ёзма ва археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий ўлкаларидан бири Уструшонада ҳам кулоллик ҳунармандчилиги қадим даврдан ўз фаолиятини бошлаган. Уструшонада ҳам кулоллик хумдонлари кулоллар маҳаллалари қайд этилган қадимги шаҳарлар археологлар томонидан топиб ўрганилган. Чунончи, антик даврларга оид кулоллик хумдонлари Уструшонанинг Мунчоктепа, Нуртепа, Қалиятепа ёдгорликларида, ўрта асрларга оид кулоллик хумдонлари ва кулоллар маҳаллалари Жиззахдаги Ўрда, Зоминдаги Култепа, Ўратепадаги Бунжикат каби шаҳар ёдгорликларида қайд этилган. Ушбу топилмалар ҳақиқатдан ҳам Уструшонада кулолчилик ҳунармандчилигини ривожлангани ва маҳаллий хусусиятларга эга бўлганидан дарак беради.

Таъкидлаш лозимки, Уструшонада олиб борилган муайян қазув тадқиқотлари давомида топилган сопол идиш намуналари даврий санани белгиловчи топилма сифатида эътироф этилган ва илмий ҳисобот ҳамда мақолаларда қисман қайд этилган. Лекин Уструшона сопол идишлар ҳунармандчилигининг тарихига, ривожланиш босқичига ва маҳаллий хусусиятлари тадқиқотига айнан бағишланган илмий ишлар ҳозирга қадар қилингани йўқ. Бу салбий воқеълик айниқса, илк ўрта асрлар кулолчилиги учун жуда хусусиятлидир. Ваҳоланки, Уструшонанинг бир қатор илк ўрта асрлар билан даврланган шаҳарлари, қалъа-рабодлари ўтган асрнинг 80-90 йилларида чуқур ўрганилган. Хусусан, Қалиятепа, Пардакултепа, Комилбоботепа ёдгорликларнинг V-VIII асрларга оид маданий

катламларидан олинган сопол идиш намуналари махсус тадқиқотлар орқали таҳлил қилинмаган.

Уструшонада илк ўрта асрларда маҳаллий кулолчилик муайян ўзгаришларга учраган, бунга сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар сабаб бўлган. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё икки дарё оралиғида кўчманчи чорвадор халқларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилган, бу ҳолат моддий маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Сопол идиш ясовчи кулоллар, аҳолини эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги шаклдаги идишларни ясашга ўтганлар. Хусусан, мустахара (отда хуржунга солинган ҳолатда сув ташиш учун мўлжалланган) идишлар, манқалдонлар (совук пайтлари ўтов ёки хоналар ичида олов ёқиш, чўғ сақлаш учун), товалар (чўл шароитида хамирдан қотирма, қатлама каби овқатлар тайёрлаш учун) кўплаб ишлаб чиқарилган.

Илк ўрта асрларда энг кўп тарқалган, хўжаликни юритиш учун қўлланилган сопол идиш турларидан бири, хумлардир. Натурал хўжалик шароитидаги қалъа ва рабодларда иложи борича кўпроқ озиқ-овқат, ичимлик суви сақлашга ҳаракат қилинган. Бу нарсалар сиёсий беқарорлик туфайли келиб чиқадиган ҳарбий ҳаракатлар ва қамал ҳолатида ниҳоятда асқотган. Дон, ун, ичимлик суви сақланадиган хумларнинг ҳажми катта бўлган. 2003-2004 йилларда Жиззах шаҳри ҳудудидан топилган хумнинг баландлиги 1.85 метрни, максимал эни 0.85 метрни ташкил қилади. Ушбу хумда 200 литр атрофида сув сақлаш мумкин бўлган.

Қайд этилган сопол идишлар орасида илк ўрта аср жамиятининг маданий ҳаётига оид айрим сопол идишлар ҳам мавжуд. Хусусан, исириғдонлардан диний тоат-ибодат ва байрам маросимларида фойдаланилган. Исириғдонлар қувурсимон, ичи ғовак танадан, ясси тагдондан ва тана бошига ўрнатилган “косача”дан иборат. Косачага хушбўй ҳид таратувчи гиёҳлар (исирик, кўкнори пўчоғи...) солиниб маросимларда тутатилган.

Маҳаллий кулоллар аҳолининг уй-рўзғор эҳтиёжларидан келиб чиқиб идишлар ясаган. Бу даврда чорвачилик маҳсулотларини кўпайганлигини сабабли, сут-ёғ маҳсулотлари олинадиган ва сақланадиган қувилар, хурмачалар, ёғлоғилар ишлаб чиқарилиши кўпайган. Анъанавий сопол идишлар кўзалар, косалар, ликопчалар, қозонлар, чироғдонлар, тоғоралар аввалги шаклдан деярли ўзгармаган ҳолатда ишлаб чиқарилган.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, илк ўрта асрларда Уструшонада идишларнинг хилма-хиллиги таъминланган. Сопол идишлар ишлаб чиқаришда қўлда тайёрланган идишларнинг нуфузи ҳам ошган. Сопол идишлар шакли ва технологиясига кўчманчиларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлган. Ушбу муаммо кенг қамровли тадқиқотларни кутмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиё қадимдан деҳқончилик юксак даражада тараққий этган тарихий-маданий ўлкалардан бири ҳисобланади. Сангзор дарёси туфайли Жиззах воҳасида ҳам жуда қадимдан илк деҳқончилик маданиятига асос солинган. Бепоён дашт ва чўллар билан деҳқончилик воҳасининг тутшиб кетганлиги Жиззах воҳасининг ўзига хос

хусусиятларидан биридир. Бу ҳолат воҳанинг тарихий тараққиётига кучли таъсир этган.

Воҳа билан туташ чўл-дашт мавзеларида чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи қабилалар яшаган. Бу эса Жиззах воҳаси тарихий шаклланиш жараёнида кўчманчилар маданиятининг таъсири анча кучли бўлишига сабаб бўлган. Мирзачўл орқали Сирдарё ўрта оқимларига туташувчи бу ҳудудда яшовчи кўчманчи чорвадор қабилалар ҳақида тарихий ёзма манбаларда кўплаб маълумотлар берилган. "Авесто" яштлиарида таъкидланган турлар, данай-турларининг Яксарт саклари эканлиги, "Авесто"нинг муқаддас илоҳ Анахитага бағишланган қисмида дастлабки Турон подшолари қароргоҳларидан Кангха (Канге) "баланд ва муқаддас" деб таърифланган, сиёсий ва диний марказнинг Сирдарёнинг ўрта оқимида бўлганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд (В.В.Бартольд 1965. 310-стр.). Айниқса, Эрон аҳамонийлари битиклари ва юнон муаррихларининг асарларида Ўрта Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадорлари (сак ва скифлар) ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Қарийиб икки минг йил олдин битилган Хитой йилномаларида кўчманчи сак қабилалари томонидан асос солинган Қанг давлати ҳақида маълумот берилади. Унда таъкидланишича, Қанг давлатининг пойтахти Ўрта Сирдарё бўйида жойлашган. Кейинчалик, милодий эра бошларида Қанг подшолари ўз қароргоҳларини жанубга, Сўғд чегарасига кўчирганлар.

IX-X асрларга оид араб манбаларида Жиззах воҳасининг шимоли-ғарбида кўчманчи ўғуз қабилалари яшаганлиги таъкидланади. Ҳар тарафдан кўчманчилар олами билан туташган Жиззах воҳасига кўчманчиларнинг кириб келиши ва уларнинг ўтроқлашуви бу ернинг тарихий тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Бу ҳолат айниқса сўнгги антик ва илк ўрта асрларга мансуб моддий манбаларда кучли сезилади.

Моддий манбалардаги сифат ўзгаришлари, милодий эрадан аввалги II аср ва милодий эра бошларидан, Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларида кўчманчилар таъсирининг кучайганлигини таъкидлайди. Манбаларда ёзилишича, шу даврда Евроосиёнинг чўлли минтақаларида циклонлар ўз йўналишини ўзгартириши табиий шароитга салбий таъсир кўрсатган. Яйловларда қурғоқчилик туфайли чорва қирилиб, кўчманчилар орасида очарчилик бошланган. Бу эса жуда кўплаб чорвадор аҳолининг Ўрта Осиё деҳқончилик воҳалари томон кириб келиши ва хўжалик юритиш шаклини ўзгартиришига сабаб бўлган (Пардаев, 2003). Ушбу жараён, милод бошлари ва айниқса илк ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларида аҳоли сонининг ортиши, янги ерларнинг кўплаб ўзлаштирилиши, шаҳарлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлган. Жиззах воҳасидек деҳқончилик учун жуда қулай шароитга эга бўлган ҳудудда бундай жараёнлар айниқса жадал кечган.

Ўрта Сирдарё бўйи ва унга туташ бўлган Жиззах воҳасида кўчманчилар маданияти таъсирида вужудга келган ўзига хос моддий маданият намуналари кўплаб ўрганилган. 1943-44 йилларда тадқиқ

килинган Мунчоқтапа ва Ширинсойдаги антик ва илк ўрта асрларга мансуб қабрлар ҳамда Зомин ҳудудида ўрганилган кўрғонлардаги қабр тузилиши, мурданинг ҳолати, қабрга қўйилган буюмлар кўчманчиларга хос хусусиятларни ўзида акс эттиради (Гайдукевич, 1947., Грицина, 1998).

Жиззах воҳасидаги Қалиятёпа шаҳар ёдгорлиги атрофида жойлашган Пардакултепа, Астонтепа, Комилбоботёпа ва Ёқуббоботёпа қишлоқ кўрғонларида топиб ўрганилган ашёвий манбаларда ҳам кўчманчиларга хос маданият намуналари (бурама шохли кўчқор ҳайкалчаси, қозон тагликлари, турли хилдаги қўлда ясалган дағал сопол идишлар) кўплаб учрайди. Жиззах тумани ҳудудидаги Учтепа, Жиззах сув омбори, шунингдек, Тузкон атрофларида кўчманчилар билан боғлиқ ўнлаб мазор кўрғонлар қайд қилинган.

Археолог М.Пардаевнинг фикрича, ўрта асрларнинг илк даври (милодий IV-VIII асрлар), яъни Хионий Эфталлий ва Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги даврида кўчманчиларнинг катта гуруҳи Жиззах воҳаси ва унинг атрофида оммавий тарзда ўтроқлашган. Қалиятёпа шаҳар ёдгорлиги атрофидаги Пардакултепа, Астонтепа, Комилбоботёпа каби қалъа-кўрғонлар ушбу ўтроқлашув сабабли бунёд этилган. Воҳадаги шундай оммавий ўтроқлашув кейинчалик XI-XII асрларда Қорахонийлар, XVI асрда Шайбонийлар даврида содир бўлган. Ўтроқлашмаган чорвадорлар воҳанинг чўл, дашт, тоғ ва тоғ олди мавзеларида Сангзор, Зоминсув, Сирдарё ҳавзалари, Мирзачўл дашт ва чўлликларида кўчманчилик ҳолатида фаолият кўрсатганлар.

Шундай қилиб, ҳулоса қилиш мумкинки, Жиззах воҳасининг тарихан ўзлаштирилишида ўтроқ деҳқон жамоалари билан биргаликда кўчманчи-чорвадор қабилаларнинг улуши ҳам салмоқли бўлган. Узоқ кечган ушбу тарихий жараёнларда икки хил турмуш тарзида бўлган халқлар моддий ва маданий жиҳатдан бир-бирини тўлдирган ҳамда маданиятнинг ўзига хос маҳаллий кўринишини вужудга келтирган.

Харакана – Дизак- Зомин- Сабат- Хавас- Бунжикат русгоҳлари йўналишида кўп сонли савдо йўллари, хусусан, карвонсавдосининг транзит тармоқлари фаолият кўрсатган ва ўлка шаҳарлари тараққиётига ижобий таъсир этган.

Араб истилосидан сўнг, сомонийлар давридаги сиёсий барқарорлик Уструшонада шаҳар маданиятини бир меъёрга ривожланишини таъминлаган. Моварауннахрнинг барча ўлкалари каби Уструшонани ҳам кезиб чиққан араб тарихчи географлари – Ал-Ёқубий, ибн Хурдодбех, ибн Хавқол, ал Истахрий, ал Муқаддасий, ас Самоний, Ёқут ва бошқалар мамлакатнинг шаҳарлари ҳақида ҳам маълумот беришган. Ушбу муаллифлар асарларида эслатиб ўтилган Уструшона шаҳарлари ва марказий кенглари тартибланса, IX- XII асрларда ўлкада 20 га яқин катта-кичик шаҳарлар фаолият кўрсатганлиги аниқ бўлади. Булар Бунжикат, Зомин (Сарсанда), Дизак, Харакана,Нужкой, Сабат, Хавас, Шавкат, Асбаникат,Шағар, Марсманд, Бурнамад, Буттам, Худойсар, ва бошқалардир. Манбаларда қайд этилган бу шаҳарларнинг деярли

барчасининг ўрни аниқланган ва маълум археология ёдгорлиги кўриб турганимиздек, бу даврда Уструшонада шаҳарларнинг сони деярли ошмаган, балки аввалги даврлардан фаолият кўрсатиб келаётган шаҳарларнинг майдони кенгайган. Буни, Бунжикат, Зомин, Дизак, Сабот, Хавас, Харакана шаҳарлари мисолида кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, шаҳар қурилиши ва аҳолининг шаҳарлашуви жараёнлари Уструшонада қадимги давр – милоддан аввалги VII- VI асрлардан бошланган. Антик даврда шаҳарлар маҳаллий хусусиятлар асосида аниқ шаклланган, илк ўрта асрларда тараққий этган ва ривожланган ўрта асрларда ўз тараққиётининг юксак поғонасига кўтарилган.

Хронологик жиҳатдан бу давр Уструшона Александр Македонский империяси таркибига кирган мил.авв. IV аср охирларидан, илк ўрта аср кўрғонлари қурила бошлаган ва ўрта аср шаҳар маданияти шакллана бошлаган эрамизнинг III-IV асрларигача қамраб олади. Юнон-Бақтрия давлатининг қулаши, қанғ-юечжи даври ва қабилаларнинг кейинги силжишлари Уструшонанинг ижтимоий таркиби ва моддий маданиятига катта таъсир кўрсатди. Каттагина қисми Уструшона ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўлининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айнан Буюк ипак йўлининг шаклланиши даврида кейинчалик йирик шаҳарларга айланганбир қатор манзилгоҳлар вужудга келди: археологик маълумотларга кўра, мил.авв. II-I асрларда Харкана (Кўрғонтепа шаҳар харобаси), Дизак (Калиятепа шаҳар харобаси), Зомин бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Ховос (Ески Ховос)нинг гуллаб-яшнаши ҳам шу даврга тўғри келади. Эски Ховос Сирдарё вилоятининг энг қадимги ёдгорлиги ҳисобланиб, унинг ёши 25 минг йил билан белгиланади.

Илк ўрта асрларда (IV-IX асрнинг биринчи ярми) Уструшонада, бошқа Ўрта Осиё вилоятларидаги каби, ҳаётнинг фаоллашуви кузатилади. Аҳоли сонининг ўсиши, кучайиб бораётган мулкӣ тенгсизлик, шунингдек беқарор сиёсий вазият нафақат текислик,балки тоғли ҳудудларни ҳам ўзлаштиришга ундади. Уструшона эрларидан ўтган халқаро йўллардаги савдонинг ривожланиши эса урбанистик анъаналарни кучайтирди. Бу давр археологик жиҳатдан кенгрок ўрганилган.

Ривожланган ўрта асрлар даври (IX асрнинг иккинчи ярми- XIII аср бошлари) асосий савдо йўллари билан боғлиқ тоғолди ва дашт ҳудудларида нисбатан йирик шаҳар пунктларининг шаклланиши билан характерланади. Ёзма манбаларда 12 тагача Уструшона шаҳарлари тилга олинади. Улардан еттитасининг номи кўпроқ учрайди: Харкана, Дизак, Зомин, Бунжикат, Куркат ва Ғалакандоз.

Мавороуннаҳр савдосида савдо йўлларининг уструшона-хўжанд тармоғи катта аҳамиятга эга бўлганлигини бу ерда бир қанча муҳим қарвон саройларнинг жойлашганидан ҳам билиш мумкин. Ёзма манбаларда Уструшона ҳукмдори ал-Афшин (Ҳайдар ибн Ковус) томонидан қурилган энг катта Худойсора роботи тилга олинади.

Моддий соҳада турли хунармандчилик турларининг ривожланиши кузатилади: темирчилик, шишапазлик, кулолчилик, заргарлик ва бошқалар. Тоғли ҳудудларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ишлов бериш ривожланган.

Уструшона мамлакати тарихига оид айрим ёзма маълумотларни хитой, грек, араб тарихчи-географлари, сайёҳлари асарларида қайд этилган. Бироқ, маълумотларнинг етарли эмаслиги Уструшона тарихини ёритишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ёзма манбалар маълумотини эса асосан археологик маълумотлар тўлдиради.

V аср охирида Эфталийлар, VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги, VIII асрнинг охири IX асрнинг биринчи чорагидан араб халифалиги, IX асрнинг охирларидан Сомонийлар давлати таркибида бўлган Уструшона мамлакати Сомонийлардан сўнг амалда мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатмаган. Муғуллар босқинига қадар Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлган.

Уструшона ҳақидаги бир мунча тўлиқроқ маълумотлар ўрта асрларга оид (IX-XII) араб, форс муаллифлари асарларида келтирилган. Манбаларда қайд этилишича, маъмурий тузилиши жиҳатидан ўрта асрларда Уструшона унчалик катта бўлмаган 18 та рустоққа бўлинган. Ушбу рустоқларнинг 9 таси текисликда, 9 таси эса тоғлик ҳудудларда жойлашган. Текисликдаги рустоқларга – Бунжикат, Сабат, Зомин, Асбаникат, Харакана, Фоғнон, Ховос, Шавкат, Фагкат, тоғли ҳудудлардаги рустоқларга – Минк, Бурнаманд, Бискар, Бангам, Вакр, Шағар, Масчоҳ, Буттам ва Бургар кирган. Рустоқларнинг маъмурий-марказий бош шаҳри мавжуд бўлган. Ҳар бир рустоқ маҳаллий сулола – деҳқонлар томонидан бошқарилган. Ҳар бир деҳқон ўз қўшинига эга бўлган. Барча деҳқонлар Уструшонанинг олий ҳукмдори – “афшин”га бўйсинган. Рустоқни бошқарган деҳқон маълум даражада мустақил сиёсат юргизган. Демак, рустоқ - зодагон деҳқон, давлат–афшин томонидан бошқарилган. Уструшона афшини марказлашган қўшинга эга бўлмаган. Қўшин афшин топшириғига кўра ҳар бир рустоқ ҳарбий отрядлари ҳисобига тўлдирилган.

Уструшонанинг Шимолий-ғарбий рустоқи Фоғноннинг тарихий ҳудуди ҳозирги маъмурий бўлинишлар бўйича, тахминан Жиззах шаҳри ва тумани ҳудудига тўғри келади. Фоғнон рустоқининг бош шаҳри Дизак Суғд ва Чоч оралиғидаги, аҳолиси зич жойлашган ягона шаҳар бўлиб, кўп сонли уйлари, бозорлари, боғлари, мусофир ва савдогарлар учун карвонсаройлари билан машҳур бўлган.

Ўрта аср тарихчи-географлари Ибн Хавқал, ал-Истаҳрий, ал-Муқаддасийларнинг ёзишларича, - “Дизак текисликдаги шаҳар бўлиб, Фоғнон унинг рустоқидир”, “Дизакликлар жун ва тивитдан кийим-кечак тикишга, гилам тўқиш ва наMAT босиш ишларига ниҳоятда уста бўлганлар”, “бу ўлкада мевалар шу қадар кўп етиштирилганки, ҳатто, мевалар билан уй ҳайвонлари боқилади”, “ўлкада сув билан таъминланмаган шаҳар, қишлоқ, экинзор ва яйловларнинг ўзи йўқдир, энг тоза, энг юмшоқ, энг хуштаъм сув улардадир” – деб ёзадилар.

Кўчманчи чорвадорлар билан Фағнон рустоки чегара худудида, Дизак шаҳридан бир фарсах масофада, IX асрнинг биринчи чорагида Ковус ўғли Ҳайдар томонидан Худойсар номли рабод қурилган. Ушбу рабод Амударё ва Сирдарё ўртасидаги энг машҳур рабодлардан ҳисобланган. Ибн Хавқал “Бутун Самарқандда ундан яхшироқ рабод йўқ. Савдогарларнинг хабар беришларича Худойсарда булоқ бор” - деб таърифласа, Ёқут “Худойсар Мовароуннаҳрдаги шаҳар бўлиб, Уструшонанинг чегара худудида жойлашган” – деб қайд этади. Ад-Дамашкий “Худойсар Уструшона таркибидаги шаҳар бўлиб, Самарқанд вилояти билан чегарадош ҳудудда жойлашган” – деб эслатади. Бундан ташқари ушбу мавзеда Бадр Кушайр томонидан қурилган, оқарсув билан таъминланган Хасан рабоди ҳам мавжуд бўлган. Жиззах худудидаги рабодлар асосан кўчманчи чорвадорлардан ўтроқ халқларни ҳимоя қилиш мақсадида қурилган.

Худойсар каби рабодларнинг қурилиши IX-X асрларда Жиззах воҳасида деҳқончилик ҳудудларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Негаки, Худойсар рабодини сув таъминоти учун Сангзор дарёсидан умумий узунлиги 15 км. бўлган ариқ чиқарилган. Ушбу ариқ қолдиқлари бугунги кунда Уруқулисой деб аталиб, ундан қуруқ ўзан ва унинг ёқасида Кўк рават ёдгорлиги сақланиб қолган. М.Ҳ.Пардаевнинг таъкидлашича, Худойсар рабоди айнан ушбу Кўк рабод ёдгорлиги ўрнида бўлган. (М.Ҳ.Пардаев, 1999, 234 с)

Археологик тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Фағноннинг бош шаҳри Дизак (Қалиятепа шаҳар макони) ва унинг атрофидаги зироаткор ерларни сув билан таъминлаб турувчи “Мўлканлик” шоҳ ариғи IX-XII асрларда шарққа томон чўзилган ва ҳозирда Қалиятепадан 1,5 км. шарқда жойлашган “Тўптолобод” мавзесигача етиб борган. IX-XII асрларда аҳоли маконлари сон жиҳатидан илк ўрта асрлардагига нисбатан камайган бўлсада, яшаш маконларининг худуди ва унинг тасарруфидаги деҳқончилик мавзеларининг ҳажми кескин кенгайган.

1950–1960 йилларда Я.Ғуломов бошчилигидаги Моҳандарё экспедицияси Қалиятепа шаҳар ёдгорлигида изланишлар олиб бориб, ёдгорликнинг юқори қурилиш даврини X-XII асрларга тааллуқли эканлигини эътироф этади. Қалиятепадаги изланишлар 1970-1980 йилларнинг биринчи ярмида янада жонланади. Комплекснинг сўнгги қурилиш даври XIV-XVI асрлар билан даврланади. Тадқиқотлар натижасида Қалиятепада ҳаёт XVI асрда тўхтаб, Жиззахнинг иккинчи шаҳар ёдгорлиги Ўрдага кўчган. Ўрда Қалиятепадан 6 км. масофада шимолий-ғарбда “Эски шаҳар” худудида жойлашган. (М.Ҳ.Пардаев, 2000, 119-130)

Шимолий-ғарбий Уструшона қадимги деҳқончилик воҳаларидан бири бўлиб, воҳанинг асосий сув манбаи Сангзор ва Зомин сув дарёлари ҳисобланади. IX-XII асрларда Уструшонада қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи ривожланган. Ибн Хавқалнинг ёзишича, Уструшона

Мовароуннахрнинг бошқа вилоятлари сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сероблиги ва унинг экспорти билан машҳур бўлган.

Ёзма ва археологик маълумотларга кўра бу даврда Уструшонада асосан ғаллакорликда – буғдой, арпа, сули, шоли, кунжут, нўхот, ловия; полизчиликда – қовун, тарвуз, қовоқ, боғдочиликда – узум, урик, олма, олма, шафтоли, ёнғоқ, бодом каби маҳсулотлар етиштирилган. IX-XII асрларда шимолий-ғарбий Уструшонада ҳам Мовароуннахрнинг бошқа ўлкалари сингари пахтачилик қишлоқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллаган.

Уструшонада, жумладан, унинг Фағнон рустоқида ривожланган ўрта асрлардаги деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг тараққиёти ички ва ташқи савдо сотиқнинг ривожланишига сабаб бўлган. Бу даврда Ғарб ва Шарқни бир-бири билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ўлка халқлари иқтисоди ва маданиятига катта ижобий таъсир кўрсатган. IX-X асрларда энг серқатнов қарвон йўли Боғдод – Табриз – Қашғар – Марв – Чоржуи – Бухоро – Самарқанд – Харақана – Дизак йўналиши бўлиб, Дизакдан сўнг йўл иккига ҳатто учга бўлиниб кетган, барча ҳолатларда ҳам у араб ва аҳам мамлакатларини Мовароуннахр ва Хитой билан боғлаган. Товар пул муносабатлари ҳам ривожланган. Уструшона афшинлари томонидан тангалар ҳам зарб этилган. Энг кўп тарқалган Уструшона афшини Абдуллоҳ ибн Сайр тангалари коллекцияси Россия давлат Эрмитаж музеида сақланади. (Х.Ҳайдаров, М.Пардаев, А.Сарибоев, И.Сувонқулов, 1996, 16 с)

Шундай қилиб, ҳулоса қилиш мумкинки, Уструшона ва унинг мавжуд барча рустоқларида, хусусан, Фағнон (бош шаҳри Дизак) рустоқида ҳам IX-X асрларда Мовароуннахрнинг барча вилоятларида кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт юзага келган. Рустоқнинг бош шаҳри Дизак ўз нуфузи жиҳатидан Уструшонадаги учинчи (пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейин) шаҳар ҳисобланган. Шаҳарда ҳунармандчилик, шаҳар атрофида зироаткор-деҳқончилик тараққий этган. Фағнон рустоқи Уструшонанинг бошқа маъмурий ҳудудлари қатори Сомонийлар давлатига қўшиб олингандан сўнг бу ерда бир неча янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинган. Ҳозирда мавжуд, Қизлартепа, Ўрда, Қуммозортепа шаҳар ва қишлоқ турар жой масканлари ушбу фикрларга асос бўлади.

Сомонийлар даврида, Жиззах “ислом лашкари” ғозийлар қароргоҳига айланган. Жиззахнинг энг кўхна мусулмон қабристонларидан бири “Ҳожа Ғозиён”да X асрдан ўз фаолиятини бошлаган. Келажакда IX-X асрларга оид мавжуд археология ёдгорликларида қазув-тадқиқот ишлари ўтказилса, шубҳасиз Жиззах тарихининг ушбу даврига оид илмий янгиликлар қилинади.

Зомин ўрта асрлар Уструшонаси шаҳарлари иерархиясида асосий ўрин тутган. араб тарихчиси – географларнинг маълумотига қараганда, у мақом ва нуфуз жиҳатида пойтахт Бунжикатдан кейин иккинчи ўринда турган ва шу сабаб бўлса керак, ўрта аср муаллифлари бошқа рустоқ ва

шахарларга нисбатан Зомин ҳақида кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилганлар. Шунга қарамасдан, Зомин ҳақидаги маълумотлар анча қисқа ва узук – юлукдир.

Зомин атамаси илк бор Панжикент ҳокими Дивштичининг VIII аср бошларига таълуқли архив ҳужжатларида қайд этилган. Нисбатан кенгроқ маълумотлар эса IX асрда яшаб ўтган, ўз сайёҳлик фаолиятида кўп нарсани кўрган ва қимматли ахборотлар тўплаган ал – Ёқубий асарида қайд этилган. Айнан ал-Ёқубий биринчилардан бўлиб, Уструшона мамлакати ундаги мавжуд 400 та қала-Рабод ва бир қатор йирик шаҳарлар, хусусан Зомин ҳақида маълумот беради.

Ал-Ёқубийнинг кичик замондоши, X аср бошларида яшаган, келиб чиқиши эронлик, ҳалифа ал-Мўътасим саройида надим лавозимиза хизмат қилган халифанинг энгишончи кишиларидан бири Ибн Хурдодбех ўзининг машҳур “Китоб ал – Масалик ал-Мамалик” (“Мамлакатлар ва уларнинг йўллари”) асарида Уструшона мамлакати, хусусан, Зомин Рустоқи ва шаҳри ҳақида қимматли янада ишончли маълумотларни келтирган. Ибн Хурдодбех бошқа муаллифлар каби фақатгина Зомин шаҳри ва унга тегишли масофалар ҳақида маълумот бермайди, Балки Зоминнинг Географик хусусиятлари, шаҳар тарихи ҳақида ҳам қисман бўлсада ахборот беришга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича “Зомин аш-Шош, Фарғона ва турклар ўлкасида олиб борувчи йўллар кесишган чорраҳада жойлашган” (Негматов, 1953).

Зомин Рустоқи ва шаҳри ҳақидаги янада батафсилроқ маълумотни X. аср муаллифлари ибн Хавоқал ва ал Муқаддасий беради. Абулқосим ибн Хавоқалнинг “сурат ул арз” (“Ернинг сурати”) асарида этироф этишига қараганда, ... “пойтахт Бунжикат шаҳридан кейин ҳажм жихатидан ... Зомин туради . Фарғонани Сўғд билан боғловчи каттагина йўл ёқасида жойлашган Зомин иккинчи ном Сарсанди номи билан аталади. Сарсанда янги шаҳар бўлиб, унинг ёнида харобага айланган эски шаҳар мавжуд. Бозорлар, Жоме масжиди ва шаҳарнинг барча аҳолиси Сарсандага кўчган янги шаҳарнинг атрофи деворлар билан ўраб олинмаган. Зомин Сўғддан Фарғонага йўл олган савдоганлар ва сайёҳлар тўпланадиган жой. Унда оқар сув, боғлар, узумзорлар ва ҳайдалма деҳқончилик ерлари кўп. Шаҳарнинг орқа қисми Уструшона тоғларига, олд тарафи тоғлар йўқ даштга, ғўзлар юртига қараган Зоминни дарё икки қисмга ажратган, дарё устига кичик кўприklar қурилган”. (Древни Заамин 1992) Шамсиддин Мухаммад Ибн Аҳмад Ал Муқаддасий ҳам ўз асари “Ахсан ат-тахсим фи марифат ал калим” да юқорида келтирилган маълумотларни тасдиқлайди ва баъзи қўшимчалар келтиради, хусусан, --- “Шаҳар дарёнинг тоғдан чиқиш жойида, икки қирғоқ бўйида жойлашган. Бозорлар ҳам дарёнинг икки ёқасида бўлиб, улар бир бири кичик кўприklar орқали туташган. Жоме масжиди катта йўлнинг шимол томонида қурилган”.

Мутахассислар орасида Зоминнинг учунчи номи ҳақидаги маълумот борасида ҳам айрим фикр-мулохозалар мавжуд. XIII асрда яшаб ўтган ёқуд

Хамавийнинг шаҳарлар номи ва унинг этимологияси ҳақидаги “Мужмал ал-Булдан” (“Шаҳарлар қомуси”) китобида Зомин –сарсанданинг навбатдаги номи “Сабза” шаклида берилган. Айрим уструшонашунослар Зоминга нисбатан қўлланилган Сабза номи муаллифнинг хатоси, маҳаллий халқ тилидаги атамани араб тилига мослаштириб ёзилиши натижасидаги хато деб эътироф этадилар. Лекин, Муҳаммад-Солихнинг XIII.аср бошида яратилган “Шайбонийнома” асарида ҳам Зоминга нисбатан Сабза номи қўлланилган. Асарида халифат ул-Рахмон Сабза атрофида кўплаб чодир тиккан ва хордиқ чиқаргани ҳақида маълумот келтирилган (Муҳаммад Солих, 1989)

Дарвоқе, ислом даври шаҳарлари тарихига назар ташлайдаган бўлсак, кўплаб шаҳарлар номига муайян нисба (этикод) қўшиб айтиш расм бўлган. Хусусан, Маккаи мукаррама, Мадинаимунаввара, Бухорои шариф, куббатул ислом, (ислом куббаси), умумаданаят (шаҳарлар онаси) ва ҳ.к. Бундан ташқари, маълум шаҳарнинг географик жойлашуви, заҳми шўига хос хусусиятларига қараб ҳам ном берилган. Наҳри пай-Нарпай (дарё ўзанидаги шаҳар), Дизак-Жиззах (кичик шаҳар), Харкана-Ғаллаорол (қудратли шаҳар), Сабат(Себат)-Сават (учта работи бор шаҳар) Шаҳрасабз (яшил шаҳар) ва ҳ.к.

Ушбу маълумотларга қараганда “Сабза” атамаси Зоминнинг хусусиятларини очиб боровчи насба сифатида қўлланилган бўлиши мумкин. Чунки Зомин ўзининг боғлари, узумзорлари, ям-яшил экинзорлари билан ўрта аср муаллифларини назарига тушган. “Сабзи” сўзи эса форсийда кўм-кўк , яшил маъносини беради ва боғ-роғларга бурканган обида масанини ифодалайди. Ёқут Зоминнинг иккинчиномидантшқари яна янги маълумотларни қайд этади. Унинг шаҳодат беришига қараганда, Зомин ва унинг атрофида кўплаб работлар фаолият кўрстган.

Ўрта аср муаллифларининг Зомин ҳақидаги баъзи маълумотлари бир-бирига зид ва мунозаралидир. Хусусан, юқорида тўкидлаганидек, ибн Хавоқал Зомин-Сарсанданининг мудофа деворлари йўқ деб маълумот берса, аксинча, Х. Асрнинг ноъмалум муаллифи томонидан форсийда битилган “Худуд ал-Олам” асарида Зомин шаҳристони қудратли деворлар билан ўраб олингани ҳақида хабар берилади.

Мовароунаҳрнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихи бўйича маълумот берувчи, XII аср тарихчиси Абу Саъд Абдул карим ибн Муҳаммад ас-Самсонийнинг “Китоб ал-Ажаб” (“Нисбалар ҳақида китоб”) асарида қайд қилинишича, Зоминда туйилган қандга (шакар) ўхшаш “таранжабин” номли нарсани ишлаб чиқарилган (Камолиддинов, 1993, 95 б) Ас-Саонийнинг ушбу нарсани дикқат эътиборини қаратган сабаб маҳаллий қандолатчиликнинг айрим хусусиятларидир. Умуман олганда, муаллиф ўз асарида Мовароунаҳр шаҳарларидаги ҳунарманчилик ва савдо-сотиққа катта эътибор қаратган. Таранжабин кейинги даврларда туранжабин номи билан машҳур бўлган, янтоқдан олинадиган ашё бўлиб, у асосан холва тайёрлашда ишлатилган. Туранжабиндан зоминлик холвагарлар фойдланишганлигими, ёки қўшни шаҳарлар қандолатпазларига етказиб

берилганлигими бу ҳақида ҳозирча бирор фикр билдириш қийин. Ушбу масалага келгусидаги этнографик тадқиқотчилар ойдинлик киритиши мумкин.

Чингизхон бошлиқ мўғуллар истилоси туфайли Мовароунаҳрдаги барча шаҳарлар қатори Уструшона шаҳрлари ҳам вайрон этилган. Харобага айланган баъзи шаҳарлар ўз ўрнида қад кўтармаган, қад кўтарганлари ҳам аввалги тараққиёт даражасига чиқа олмаган. Хусусан, Сабат шаҳри броз муддатдан сўнг янги жойда бунёд этилаган. Зомин ўз ўрнида тикланган, лекин таъкидлаганимиздек жуда секинлик билан ривожланган. Шу сабабли бўлса керак, XV асрдан бошлаб манбаларда Зомин номи яна қайд этила бошлаган. Лекин ушбу маълумотлар айнан Зоминга тегишли бўлмаган, у ушбу мавзедаги бир қанча аҳоли пунктлари қаторида санаб ўтилади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигида, 1402 йилда ёзиб тугатилган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида 1367-1368 йилда Темур ва Амир Хусайн ўртасидаги жангва оз сонли лашкар билан соҳибқироннинг ёрқин ғалабаси тафсилоти берилган. Ушбу жанг ҳозирги Равот қишлоғи атрофида, ёки Равот билан Зомин оралиғидаги жойда бўлиб ўтган дейишга асос бор. Чунки, ғолиб Амир Темур лашкари жангдан сўнг, ғарбдаги қараргоҳ-шаҳар Дизакга (Жиззах) келиб қўнган (Шомий, 1996)

XVI асрда битилган ёзма манбаларда Зомин ҳақидаги маълумотлар тез-тез учрайди. Лекин Мирзо Бобур ўзининг шоҳ асари “Бобурнома”да Зомин ҳақида деярли тўхталмайди асарда бор-йўғи уч марта, у ҳам бўлса, аҳоли маконлари рўйхатида Зомин тилга олиган. Зоминнинг ғарб томонидаги ғор кўрғони эса Бобур атрофлича таърифлайди, Хўжанддан Самарқанд сари юрганида истма билан оғриб бир муддат пешоғорда қолиб кетгани ҳақида тўхталади (Бобур, 1989).

Шайбонийлар сулоласининг энг номдор вакили, Бухоро хони Абдуллахон II (1557-1598) даври сиёсий, иқтисодий, маданий тарихи ҳақидаги манба, Хафиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) асарида ҳам Зомин ва унинг атрофидagi кентлар бот-бот тилга олинган. Абдуллахон II нинг ашаддий душмани Тошкент ҳокими Бобо султон билан марказий жанглardan бири Зомин дарёси бўйларида бўлиб ўтади ва Бобо султон 1582 йилги жангда ўлдирилади (Ҳофиз Таниш Бухорий, 2001).

Ўрта асрларда Уструшонадан, хусусан, Зоминдан бир қатор таниқли шахслар, уламолар, ғазалнавис шоирлар етишиб чиққан. Ушбу мавзунинг иомий тадқиқот учун алоҳида муаммо эканлигини ҳисобга олиб, фақат Зоминлик бир уламо, Имомқулихон (1611-1642) даврида Самарқандда қозикалонлик рутбасида турган қози Соқий Зоминий ҳақида мухтасар фикр билдирамиз. “Самария” муалифини Абу Тохирхожа Самарқандийга, ... “фозиллар етакчиси жаноби қози Соқий... Амир Темур жомеъининг (Бибиҳоним) жануби-ғарбий бурчагида, ул уламо йўлбошчиси томонидан 1021 (1612) йилда мадраса солингандир. Самарқанднинг бузукчилик йилларида у мадраса буткул йўқотилибдир, ҳозирда ундан ҳеч

бир нишона йўқ” деб хабар беради. Қози Соқий Зоминда туғилиб, бухоро ва самарқандда шқиган, ўз замонасининг диринчи, олим кишиларидан саналган. Ўзи солдирган мадрасада дарс берган, Улуғбек мадрасасининг бош мударриси мансабида турган. У хижрий 1029 (милодий 1619-1620) йилда вафот этган. (Абу Тоҳирхожа Самарқандий, 1991).

Шундай қилиб,ёзма манбаларнинг маълумоти ва уларнинг тахминига кўра, хулоса қилиш мумкин. Зомин IX-X асрларда Уструшонанинг сиёсий , иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган йирик шаҳарлардан бири бўлган. Тараққиётнинг ушбу даражаси Уструшона ўз мустақиллигини йўқотиб дастлаб сомонийлар, сўнгра, қорахонийлар, Чоразмшоҳлар таркибига кирганда ҳам сақланиб қолган. Мўғуллар истилоси Зоиндаги шаҳар ҳаётини бутунлай издан чиқарган. XV аср боши ва XVI асрларда Зомин аста –секин яна Мовароунаҳр тарихи сахнасидан ўрин ола бошлаган. Ўрта Осиёни хонликларга бўлиниб кетишидан кейинги давр тарихида Зомин узлуксиз давом этган курашлар учун жангоҳга айланган

IX-XII асрлар Мовароуннаҳрда савдо, ҳунармандчилик ва маданият марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёт давридир. Маҳаллий ва қитъалараро аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари қаторида Уструшона орқали ўтган йўллар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар транзит савдо йўлларининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланган.

1989 йил май ойида Ўзбекистон археология институтининг Ю.Ф.Буряков бошчилигидаги отряди Буюк ипак йўлининг Самарқанддан Уструшона орқали Чоч ва Фарғонагача бўлган қисмидаги йўли бўйлаб иш бошлади.

Фарғона ва Чоч учун умумий бўлган йўлнинг биринчи қисми Самарқанд Зомин билан боғланган ва 17 фарсах ни ташкил этган. Қудам Мовароуннаҳр ҳақида тавсиф берар экан, у Самарқанддан Зоминга қадар бўлган йўлни келтириб ўтади. Қудам маълумотларига кўра, ушбу йўл Самарқанддан 4 фарсах узоқликда, пойтахтдан шарққа томон Суғд тумани маркази бўлмиш Бўзмажин рустоқининг Баркет шаҳарчаси жойлашган. Баркетдан йўл 4 фарсах узоқликда Катвон чўли орқали тоғ ёнбағирлаб, тоғ орасида жойлашган Хушуфағн шаҳарчасига олиб борган. Олдинги ҳисобга кўра, у Сангзор дарёси ўнг қирғоғидаги тоғли ҳудудда, ҳозирги Авлиё қишлоғи атрофида жойлашган бўлиши керак эди. Қишлоқ ҳудудида илк ва ўрта асрларга оид сопол, ўрта асрлар тангалари учрайди. Буларнинг барчаси қадимий Хушуфағнни Авлиё қишлоғи ҳудудида жойлашганлигини тахмин қилишга имкон беради. Бу ердан, манбаларда хабар берилишича, йўл тоғ йўли бўйлаб кетган ва беш фарсах узоқликдаги Бурнамад манзилгоҳига олиб келган.

Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, ушбу йўлдаги биринчи пункт бу Бўзмажен рустоқининг асосий шаҳарларидан бири **Баркет** бўлган бўлса, навбатдаги пункт, Қудам бўйича, 4 фарсах йўлни ташкил этган **Хушуфағн** шаҳри бўлган. Бошқа X аср манбаларида ушбу жой тилга олинмаган. **Баркет**дан кейин улар **Абу Аҳмад** ва **Абу Саъд**

работларини тилга оладилар. Ибн Ҳордадбех Ҳушуфагн билан бирга **Абу Аҳмад, Абу Саъд** ва **Катвандиз** шаҳрини эслатиб ўтади. Абу Аҳмад работи яқинида ушбу йўл **Дизак** томонга алоҳида тармоғ бўлиб ажралиб кетган.

Бурнамаддан карвон йўли тўғрига, чўл йўли бўйлаб силжиб, тўрт фарсахдан кейин Уструшонанинг йирик шаҳарларидан бири **Зоминга** боради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қадимий йўл тоғ этаги бўйлаб **Пишағар** қишлоғи орқали ўтган. Дастлабки манбаларда келтирилиширча Зомин Чоч ва Фарғонага олиб борувчи асосий транзит йўлида жойлашган пункт бўлган Зомин Дизак ва Бурнамаддан шарқда, бепоён чўл билан чегарадош ҳудудда, Сўғддан Фарғонага йўналган йўл ёқасида жойлашган.

Зоминдан йўл иккига бўлинган. Битта тармоқ дашт орқали **Ҳавасга** (6 фарсах), ундан кейин **“Чоч дарёси”** (Сирдарё) гача (5 фарсах) ва тўхташ жойидан унинг қирғоғидаги кечувдан сўнг – **Банокатга** (4 фарсах) олиб борган.

Қудаманинг таъкидлашича, Фарғона йўли бўйлаб, Зоминдан икки фарсах узоқликда йўлнинг яна бир тармоғида **Сабат** қишлоғи жойлашган. Асосий йўналиш эса шарққа, Фарғона томонга кетган. Ал-Муқаддасий ва Қудамалар - “Сабат Сўғддан Фарғонага йўналган йўл ёқасида жойлашган. У ердан чиқувчи икки йўл вилоят пойтахти Бунжикатга олиб борган” деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат араб ва форс географлари ёзма маълумотларига кўра савдо карвони Самарқанддан Чоч, Фарғона, Еттисув ва Қошғарга Уструшона ва Хўжанд орқали кесиб ўтган. Карвон йўналиши: **Баркет – Саъда – Бурнамад – Зомин – Сабат – Рукунд – Шавкат – Хўжанд** бўлган. Йўлнинг биринчи қисми (Баркет - Зомин) яна **Баркет – Ҳушуфагн – Бурнамад – Зомин** йўналиши орқали ҳам ўтган бўлиши мумкин. Лекин йўлнинг иккинчи қисми (Сабат-Хўжанд) шунингдек икки йўналишда бўлган: **Сабат – Хавас – Куркат – Хўжанд** ва **Сабат – Рукунд – Гуликандоз – Хўжанд**.

Йўлнинг ички тармоғининг катта қисми шимоли-жануб томон кетган. а) **Хавас – Рукунд – Вагкат – Бунжикат – Хиснак**; б) **Куркат – Уяс – Рукунд – Вагкат – Бунжикат**; в) **Хўжанд – Гуликандоз – Газак – Бунжикат**. Сабатдан бўлган иккинчи йўл етти фарсах узоқликда жойлашган Уструшона пойтахти Бунжикатга олиб борган.

Сабатдан уч фарсах масофада **Куркат**, ундан уч фарсах, Сабатдан олти фарсах масофада **Гуликандоз** жойлашган.

Ал-Муқаддасийда Курдакат деб номланувчи ўрта асрлар **Куркат** шаҳри ҳозирги шу ном билан аталувчи қишлоқ ўрнида жойлашган бўлиб, Уструшона ҳудудидаги энг қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланади. **Гуликандоз** ҳам энг катта қишлоқлардан бири бўлиб, бугунги кунда Гулакандоз қишлоғи ҳудудига тўғри келади. Ундан “Чоч дарёси” бўйлаб йўл Хўжандга олиб борган. Сабатдан Хавасга бўлган йўл аввал катта шарқий трассага чиққан, кейин шимоли-шарққа бурилиб, Мозорбоботепа (булоқ суви яқинидан) олдидан ўтган. Сўнггра ушбу йўналиш Шўрбулоқсой қишлоғи бўйлаб ўтиб, Хавасга борган. Хавас орқали Чирчиқ водийсига

ўтиб кетилган. Сабатдан яна **Аркенд** ёки **Рукунд** орқали Хўжандга ҳам ўтиш мумкин бўлган.

Шундай қилиб, ўрта асрларда асосий йўл Самарқанддан Зоминга Туркистон тоғ тизмалари бўйлаб ўтган, қисман унча баланд бўлмаган тоғлар орқали ва ундан кейин чўл бўйлаб Зомин ва Сабатга олиб борган.

Юқорида айтиб ўтилганидек Баркетдан кейин Абу Аҳмад работи яқинида йўл Дизак томонга алоҳида тармоғ бўлиб ажралиб кетган эди. Кейинчалик, X асрда, ушбу йўл Самарқанддан Дизак орқали янада мустақамланиб олган ва тўғридан-тўғри чўл ҳудудларидан Чинанчикетга олиб борган.

Ю.Ф.Буряков ёзма манбалар ва археологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда Сўғддан Уструшона орқали Чочга элтувчи савдо йўли йўналишига бир мунча аниқлик киритади. Унга кўра Уструшона ҳудуди орқали икки йўналишда Чочга бориш мумкин бўлган. Биринчиси яқин, аммо қийин йўл бўлиб, у **Жиззах** орқали тўппа-тўғри шарққа, ахён-ахёнда учрайдиган карвонсарой ва бошқа йўл бўйи иншоотлари бўлган жазирама **Мирзачўл** орқали ўтган. Бу йўл Сирдарё этагида Чирчиқ куйилишидан унча узоқ бўлмаган ўтиш жойига келиб анча гавжум бўлган. Шундан сўнг, карвон Чирчиқ бўйлаб Тошкентга йўл олган. Иккинчи йўл эса узоқ бўлса-да, ҳавфсиз ва серқатнов бўлган. Бу йўл **Жиззах – Зомин – Хавас** йўналишида бўлиб, Хавасда йўл жанубга бурилиб, Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшиладиган жойидан юқорироқдаги кечувга чиққан.

Шундай қилиб, Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон ҳудудидаги **марказий йўли** Амулдан Оксга Пойканд, Бухоро, Самарқанд, Баркет, Хушугафн, Зомин, Сабат, Куркат, Гулакандоз, Хўжанд, Самгар, Ҳожистон, Турмуқан, Баб Ахсикат, Ўш, Ўзганд орқали ўтган. **Шимолий йўл** Амулдан Оксга Пойканд, Бухоро, Дивас, Тававис, Кармана, Дабусия, Робинжон, Зарман, Самарқанд, Баркет, Работ, Саада, Харакана, Дизак орқали ўтган. Шу ердан икки тармоқ: а) Зомин, Хавас, Яксарт кечуви орқали Бенакетга; б) Дизакдан Хусайн ва Хумайд кудуғи орқали Винкерд, Унжакет, Чинанчикетга ўтиб кетган.

Уструшона орқали ўтган Буюк ипак йўлининг аҳамияти, унинг ушбу йўл ёқаларида жойлашган шаҳарлар ҳаётига таъсири, Уструшона шаҳарлари ва улар аҳолисининг Буюк ипак йўли тизимида тутган ўзига хос ўрни ҳақида бир катор мулоҳазаларни келтириш мумкин.

Уструшона орқали кесиб ўтган муҳим савдо йўллари Мовароуннахрнинг турли шаҳарларини, қўшни ҳудудларни бир-бирига боғлаган. Уструшона аҳоли пунктларини боғлаб турувчи ички йўллар тармоғига ҳам эга бўлган. Бу йўллар ўз навбатида, Ўрта Осиё савдо йўлларининг таркибий қисми сифатида ҳам аҳамиятга эга эди. Уструшона ҳудуди орқали Самарқанд, Бухоро, Хуросон ҳамда Ғарбда жойлашган шаҳарлар ва мамлакатларга борувчи йўллар ўтар эди. Бу йўллар бир томондан Кеш, Тоҳаристон ва Балх, Чоч, Исфижоб ва Илоқ билан, бошқа томондан эса Фарғона, сўнгра Еттисув орқали Хитой билан боғлаган. Уструшонадан Чирчиқ водийсига икки йўналишда йўл ўтган бўлиб,

биринчиси Хавас орқали, иккинчиси Чирчиқ орқали ўтар эди. Уструшона шаҳарларидан бири бўлган Сабатдан Аркенд ёки Рукунд орқали Хўжандга ўтиш мумкин бўлган.

Шундай қилиб, Уструшона Мовароуннаҳр шаҳарларининг бошқа давлатлар билан савдо ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутган. Ушбу савдо йўллари туфайли Уструшона савдогарлари ҳам ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этганлар. Ушбу йўлда жойлашган аҳоли пунктлари савдо-сотиқ ва ўтаётган карвонларни маҳсулотлар билан таъминлаши натижасида гуллаб яшнаган.